



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 18 » oktabr

№ 610

Toshkent sh.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритишда шаффофликни таъминлаш, шунингдек, кадастр соҳасидаги айрим маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кадастр соҳасида айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш, кўчмас мулк ва унга тааллуқли ҳуқуқларнинг ҳисобини юритишда шаффофлик тамойилини жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 46.3-бандига мувофиқ кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги очик маълумотлар (кейинги ўринларда – очик маълумотлар) таркибини белгилаш, очик маълумотлар асосида оммавий геопортални жорий этиш ҳамда маълумотларни Миллий геоахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиш тартибини ишлаб чиқиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) томонидан ахборот тизимида очик маълумотлар асосида оммавий геопортал юритилади;

кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ишлари фақат ахборот тизими орқали электрон тарзда амалга оширилади;

кадастр муҳандисларининг ахборот тизимидан фойдаланиши ҳамда унга уланиши учун кўйиладиган техник ва дастурий талаблар, шунингдек, ахборот хавфсизлиги сиёсати Кадастр агентлиги томонидан амалга оширилади;

малака шаҳодатномасига эга бўлган кадастр муҳандислари томонидан ахборот тизимидан фойдаланилганлиги учун Кадастр агентлиги билан тузилган шартнома асосида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига тўлов амалга оширилади;

кадастр муҳандислари томонидан амалга оширилган тўловлар Кадастр агентлигининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот тизимини юритиш ва техник қўллаб-қувватлаш учун сарфланади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги очик маълумотларни Миллий географик ахборот тизими орқали тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

очик маълумотларни оммавий геопортал орқали давлат бошқаруви органларига бепул, жисмоний шахслар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа юридик шахсларга тўлов эвазига тақдим этиш тартиби;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги ер участкасининг кадастр рақами, унинг манзили ва ундан фойдаланиш мақсади тўғрисидаги маълумотларни фойдаланувчилар томонидан бепул олиш имкониятини яратиш;

очик маълумотларни тақдим этиш шартлари ва муддатлари;

очик маълумотлар учун тўловларни амалга ошириш, уларни ҳисоблаш ва тушумларни тақсимлаш тартиби;

оммавий геопортал операторининг вазифалари.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2024 йил 1 январга қадар:

давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалда фойдаланиб келаётган, бироқ ер ажратиш ҳақида қарор қабул қилинмаган ер участкаларини белгиланган тартибда расмийлаштириш ишларини якунласин;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда ҳар ойлик график асосида кўп квартирали уй мулкдорлари номидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли мурожаатлар юборилишини, уларга асосан кўп квартирали уй жойлашган ҳамда унга туташ ер участкасининг чегаралари ва ўлчамлари белгиланишини, шунингдек, кўп квартирали уй мулкдорларининг ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланиб, давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Давлат кадастрларини юритувчи ваколатли органлар 2022 йил охирига қадар ўзларининг маълумотлар базалари ахборот тизимига тўлиқ интеграция қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Кадастр агентлиги, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** кадастр соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларининг давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилинишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жорий этилишини таъминласин.

6. Кадастр агентлиги:

уч ой муддатда кадастр муҳандислари томонидан кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини, шу жумладан бирламчи кадастр йиғмажилдини тайёрлаш жараёнларини автоматлаштириш ҳамда уларнинг мониторингини юритиш имкониятини яратган ҳолда, Кадастр агентлигининг ахборот тизимларини модернизация қилиш чораларини кўрсин;

2022 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ–4913-сон қарорига мувофиқ кадастр йиғмажилдини тайёрлаш соҳасида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида ўтказилаётган тажриба-синов натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2023 йил 1 январга қадар очиқ маълумотлар асосида оммавий геопортални ишга туширсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ 18 ” октябрдаги 610 -сон қарорига
1-илова

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги
очиқ маълумотларни Миллий географик ахборот тизими орқали
тақдим этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги очиқ маълумотларни (кейинги ўринларда – очиқ маълумотлар) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларига, жисмоний ва бошқа юридик шахсларга тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот тизими фойдаланувчиси – қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ёки томонларнинг келишувига кўра ахборот тизимидаги ахборот ресурсларидан фойдаланувчи давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, жисмоний ва бошқа юридик шахслар;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри (кейинги ўринларда – давлат реестри) – кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар тўғрисида, шунингдек, ҳуқуқ эгалари ҳақидаги маълумотлардан иборат ягона ахборот маълумотлар базаси;

оммавий геопортал – очиқ маълумотлардан фойдаланишни таъминлайдиган ахборот тизимининг веб-портали;

оммавий геопортал оператори – оммавий геопорталнинг узлуксиз фаолият юритиши, унинг янада модернизация қилиниши ва ахборот хавфсизлиги таъминланиши учун масъул бўлган тизим оператори – Кадастр агентлиги ҳузуридаги “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК;

технологик йўриқнома – оммавий геопортал доирасида давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари билан идоралараро электрон сўровлар орқали маълумотлар алмашиш бўйича ўзаро электрон ҳамкорлик қилиш тартиби, маълумотларга қўйиладиган талаблар, уларнинг шакли ва тақдим этиш муддатларини ифода этувчи, оммавий геопортал оператори томонидан Кадастр агентлиги билан биргаликда тасдиқланадиган ҳужжат;

3. Очик маълумотлар мазкур Низомга 1-иловада келтирилган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ҳамда “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонунлари талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилади.

4. Оммавий геопорталнинг вазифалари ахборот тизими фойдаланувчиларига Электрон ҳамкорлик модули (веб-сервис) асосида хизматлар кўрсатиш ва технологик йўриқномалар асосида интеграция қилиш йўли билан маълумотларни тақдим қилишдан иборат.

5. Оммавий геопорталда оммавий геопортал оператори томонидан қуйидаги хизматларни кўрсатувчи веб-сервислар яратилади:

оммавий геопорталдан фойдаланиш учун технологик йўриқнома;

очик маълумотларни кўриш;

очик маълумотларни юклаб олиш;

электрон сўровга кўра, шартнома ва технологик йўриқномаларга мувофиқ оммавий геопорталга доимий равишда интеграция қилиш орқали маълумотларни тақдим қилиш имкониятини яратиш.

6. Очик маълумотлар фойдаланувчини идентификация қилиш ёки шартнома асосида оммавий геопортал операторига иштирокчи сифатида интеграция қилиш орқали тақдим қилинади.

7. Оммавий геопортал оператори оммавий геопортал иштирокчиларининг масъул ходимлари ҳамда оммавий геопорталда рўйхатдан ўтган ахборот тизими фойдаланувчилари ҳисобини юритади, оммавий геопорталга кириш ва ундан фойдаланиш жараёнларини мувофиқлаштириб боради.

8. Ер участкасининг кадастр рақами, унинг жойлашган жойи (манзили) ва ундан фойдаланиш мақсади очик маълумотлар таркибидаги бирламчи маълумотларни ташкил қилади ҳамда улар оммавий геопортал фойдаланувчиларига бепул тақдим этилади.

9. Очик маълумотлар учун тўловлар онлайн амалга оширилади ва тўлов ҳисоби учун Ягона биллинг тизимига интеграция қилинади.

2-боб. Очик маълумотларни давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларига тақдим этиш

10. Очик маълумотларни давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларига тақдим этиш мазкур Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

11. Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари оммавий геопортал операторига очик маълумотлардан фойдаланиш учун мурожаат қилади.

12. Оммавий геопортал оператори давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари сўрови асосида уларнинг очик маълумотлар ва ахборот ресурсларидан доимий равишда фойдаланиши учун бир иш кунда идоралараро технологик йўриқнома ва шартномани расмийлаштиради.

13. Очiq маълумотларни ахборот тизими орқали тақдим қилишда хўжалик бирлашмалари шартномада белгиланган муддатларда тўлов амалга оширилишини таъминлайди.

Очiq маълумотларни давлат бошқаруви органларига тақдим этиш бепул амалга оширилади.

14. Оммавий геопортал оператори давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларини ахборот тизими фойдаланувчиси сифатида қабул қилади ҳамда технологик йўриқномага мувофиқ уларга очiq маълумотларни тақдим этади.

15. Давлат бошқаруви органлари электрон сўров орқали оммавий геопорталдан ўзининг бошқа ахборот тизимига очiq маълумотларни қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилиш ҳуқуқига эга.

16. Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали маълум бўлган маълумотларнинг ва шахсга доир маълумотларнинг маълумот тааллуқли бўлган субъектларнинг ёзма ёки электрон розилигисиз ошкор этилишига ҳамда (ёки) учинчи томонга тақдим этилишига йўл қўйилмайди.

17. Ахборот тизими фойдаланувчиси электрон ҳамкорлик доирасида олинган очiq маълумотларнинг сақланишини ва ҳимоясини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлаши шарт.

3-боб. Очiq маълумотларни жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиш

18. Очiq маълумотларни жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиш мазкур Низомга 3-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

19. Жисмоний ва юридик шахслар очiq маълумотлардан фойдаланиш учун оммавий геопорталда авторизациядан ўтади.

20. Оммавий геопорталда авторизациядан ўтган жисмоний ва юридик шахсларга очiq маълумотлар таркибидан зарур маълумотларни танлаш имконияти яратилади.

21. Оммавий геопортал оператори жисмоний ва юридик шахслар сўрови асосида уларнинг очiq маълумотлар ва ахборот ресурсларидан доимий равишда фойдаланиши учун бир иш кунида технологик йўриқнома ва шартномани расмийлаштиради.

22. Очiq маълумотлар ҳақ эвазига тақдим қилинади.

Очiq маълумотга мос равишда тўлов миқдори қиймати кўрсатилган хабарнома (инвойс) электрон шаклда юборилади.

23. Тўловлар ягона биллинг тизими ёрдамида амалга оширилади.

24. Оммавий геопорталда тўлов амалга оширилган очик маълумотларни электрон форматда мазкур Низомга 4-иловада келтирилган шаклда юклаб олиш имконияти яратилади.

4-боб. Очик маълумотларни тақдим этиш учун тўловларни ҳисоблаш ва маблағларни тақсимлаш

25. Жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида тақдим қилинадиган ҳар бир очик маълумот учун тўлов Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларининг давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилаш тартибининг 4.14-бандига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида амалга оширилади.

26. Маълумотларни жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этишдан тушган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

40 фоизи – Кадастр агентлиги ахборот тизимларининг, хусусан, оммавий геопорталнинг узлуксиз фаолият юритишини, модернизация қилиниши ва доимий равишда ахборот хавфсизлиги сиёсатида мувофиқ ишлашни таъминлаш учун оммавий геопортал операторининг шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг банк ҳисобварағига ўтказилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

27. Мазкур Низомни қўллашда келиб чиқадиган низолар қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат
реестридаги очиқ маълумотларни Миллий
географик ахборот тизими орқали тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат
реестридаги очиқ маълумотлар
ТАРКИБИ**

1.	Реестрнинг тартиб рақами:
2.	Юридик шахснинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми:
3.	Ер участкаси ҳақида маълумотлар:
3.1.	Ер участкасининг кадастр рақами:
3.2.	Майдони, га:
3.3.	Жойлашган жойи:
3.4.	Ҳуқуқ тури:
3.5.	Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар:
3.6.	Ер участкасидан фойдаланиш мақсади:
3.7.	Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши:
3.8.	Сервитутлар:
3.9.	Кадастр баҳоси, 20 ____ й. ҳолатига минг сўм
3.10.	Рўйхатдан ўтказиш санаси ва рақами:
4.	Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик экинлар ҳақида маълумотлар:
4.1.	Бинолар ва иншоотлар рўйхати, кўп йиллик экинлар турлари:
4.2.	Бино ва иншоотнинг кадастр рақами:
4.3.	Майдон, кв. м:
4.3.1.	Умумий:
4.3.2.	Ишлаб чиқариш, турар жой:
4.4.	Ҳуқуқ тури:
4.5.	Бино, иншоот ва кўп йиллик экинларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар:
4.6.	Бино ва иншоотдаги мулк улуши, қисм:
4.7.	Бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши:
4.8.	Кадастр қиймати, 20 ____ й. ҳолатига минг сўм
4.9.	Рўйхатдан ўтказиш санаси ва рақами:
4.10.	Дарахтлар сони, дона:

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат
реестридаги очик маълумотларни Миллий
географик ахборот тизими орқали тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Давлат реестридаги очик маълумотларни давлат бошқаруви
органлари ва хўжалик бирлашмаларига тақдим этиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари	Давлат реестридаги очик маълумотлардан фойдаланиш учун оммавий геопортал операторига мурожаат қилади	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Оммавий геопортал оператори (Кадастр агентлиги ҳузуридаги “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК)	Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг сўрови асосида давлат реестридаги очик маълумотлардан фойдаланиш учун идоралараро технологик йўриқнома ва шартномани расмийлаштиради	Бир иш кунида
3-босқич	Хўжалик бирлашмалари	Ҳар бир сўралган маълумот учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида электрон тарзда тўловни оширади	Шартномада белгиланган муддатларда
	Давлат бошқаруви органлари	Кўчмас мулкка оид кадастр маълумотларини тақдим этиш бепул амалга оширилади	Сўров асосида
4-босқич	Оммавий геопортал оператори	Давлат бошқаруви органи ва хўжалик бирлашмасини ахборот тизими фойдаланувчиси сифатида қабул қилади ва очик маълумотларни тақдим этади	Шартномада белгиланган муддатларда

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат
реестридаги очиқ маълумотларни Миллий
географик ахборот тизими орқали тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Давлат реестридаги очиқ маълумотларни
жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Жисмоний ва юридик шахслар	Давлат реестридаги очиқ маълумотлардан фойдаланиш учун оммавий геопорталдан рўйхатдан ўтади	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Оммавий геопортал оператори	Оммавий геопорталда рўйхатдан ўтган жисмоний ва юридик шахсга Давлат реестридаги очиқ маълумотларнинг тўлиқ таркибидан тақдим этилиши зарур бўлган маълумотларни танлаш имкониятини яратади	Реал вақт режимида
		Жисмоний ва юридик шахслар сўрови асосида давлат реестридаги очиқ маълумотлардан доимий равишда фойдаланиш учун технологик йўриқнома ва шартномани расмийлаштиради.	Бир иш кунида
3-босқич	Ягона биллинг тизими	Ҳар бир сўралган маълумот учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдоридан электрон тарзда тўловни амалга оширади	Ўз хоҳишига кўра
4-босқич	Оммавий геопортал оператори	Жисмоний ва юридик шахсларни ахборот тизими фойдаланувчиси сифатида қабул қилади ва Давлат реестридаги очиқ маълумотларни тақдим этади	Шартномада белгиланган муддатларда

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат
реестридаги очик маълумотларни Миллий
географик ахборот тизими орқали тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги
очик маълумотлар тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

1.	Реестрнинг тартиб рақами:	
2.	Юридик шахснинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми:	
3.	Ер участкаси ҳақида маълумотлар:	
3.1.	Ер участкасининг кадастр рақами:	
3.2.	Майдони, га:	
3.3.	Жойлашган жойи:	
3.4.	Ҳуқуқ тури:	
3.5.	Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар:	
3.6.	Ер участкасидан фойдаланиш мақсади:	
3.7.	Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши:	
3.8.	Сервитутлар:	
3.9.	Кадастр баҳоси, 20 й. ҳолатига минг сўм	
3.10.	Рўйхатдан ўтказиш санаси ва рақами:	
4.	Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик экинлар ҳақида маълумотлар:	
4.1.	Бинолар ва иншоотлар рўйхати, кўп йиллик экинлар турлари:	
4.2.	Бино ва иншоотнинг кадастр рақами:	
4.3.	Майдон, кв. м:	
4.3.1.	Умумий:	
4.3.2.	Ишлаб чиқариш, турар жой:	
4.4.	Ҳуқуқ тури:	
4.5.	Бино, иншоот ва кўп йиллик экинларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар:	
4.6.	Бино ва иншоотдаги мулк улуши, қисм:	
4.7.	Бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши:	
4.8.	Кадастр қиймати, 20 й. ҳолатига минг сўм	
4.9.	Рўйхатдан ўтказиш санаси ва рақами:	
4.10.	Дарахтлар сони, дона:	

Изоҳ. Маълумотнома Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида мавжуд маълумотлардан шакллантирилади.

QR-
code

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “18” октябрдаги 610-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
1998 йил 7 январдаги 11-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикасининг Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат сув кадастри (кейинги ўринларда – Давлат сув кадастри) “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш, хўжалик фаолиятини, экологик вазиятни баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилади ва юритилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

2. Давлат сув кадастри ягона давлат сув фондини ташкил этувчи сув объектлари, сув ресурслари, сув режими, сифати ва ундан фойдаланиш ҳақидаги, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчилари ва сув хўжалиги объектлари, сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зонаси, ичимлик ва оқова сувлар тўғрисидаги тартибга солинган, доимий тўлдириб бориладиган ва зарурат бўлганда аниқлаштириладиган маълумотлар тўпламини ифодалайди.

3. Ер усти ва ер ости сув объектлари ва уларнинг ресурслари Давлат сув кадастрининг объектлари ҳисобланади.

4. Табиий сув ресурсларини, улардан миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича фойдаланишни ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ва сувдан хўжалик мақсадларида фойдаланишни рўйхатдан ўтказиш Давлат сув кадастрининг предмети ҳисобланади.

Сув ресурсларини баҳолаш деганда ҳам йил мобайнида, ҳам кўп йиллар мобайнида стандарт гидрометрик асбоблар билан ўлчаш орқали уларни миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича мунтазам ҳисобга олиш, олинган маълумотларнинг ишончлилиги таҳлили, уларни стандарт усуллар билан қайта ишлаш ва турли ҳудудий ва вақт бирликлари бўйича умумлаштириш тушунилади.

5. Давлат сув кадастри давлат ҳокимияти органларини, юридик ва жисмоний шахсларни сув ва сув хўжалиги объектлари, сув ресурслари, сув режими, сифати ва ундан фойдаланиш, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар ва сув истемолчилари тўғрисидаги зарур маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган.

6. Энг кам чиқимлар билан замонавий даражада ахборотларни тўплаш, умумлаштириш, сақлаш ва тақдим этиш технологиясини доимий равишда такомиллаштириб бориш йўли билан сув ресурслари ва сув объектлари ҳақида ишончли ахборотни олиш ва сақлаш Давлат сув кадастрининг асосий вазифаси ҳисобланади.

7. Сув объектлари, сувдан фойдаланувчилар, сув истемолчилари ва сув хўжалиги объектларини рўйхатдан ўтказиш, сув миқдори ва сифатини ҳисобга олиш, сув ресурсларини ва улардан фойдаланишни баҳолаш Давлат сув кадастрининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

8. Қуйидагилар Давлат сув кадастрини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

республиканинг барча сув объектларини қамраб олиш;

сув ресурсларини ва улардан фойдаланишни ҳисобга олишнинг ягона тизимини қўллаш;

бошланғич кадастр ахборотини қайта ишлаш усулининг ягоналиги;

Давлат кадастрлари ягона тизими талабларини ҳисобга олиш;

Давлат сув кадастрини юритиш бўйича ишларга марказлаштирилган тартибда раҳбарлик қилиш;

сув-кадастр ахборотининг ишончилиги, кўрғазмалилиги ва хужжатларга асосланганлиги;

Давлат сув кадастрини юритиш бўйича ишларнинг узлуксизлиги;

кадастри юритишнинг автоматлаштирилган геоахборот тизими фаолият кўрсатиши;

сув кадастрини юритиш бўйича ишларнинг тежамлилиги;

фойдаланувчилар доираси чекланган маълумотларнинг махфийлиги.

9. Давлат сув кадастри республика сув объектлари тўғрисидаги ахборотни қайта тиклашнинг тўлиқ туркумини ташкил этувчи асосий ва жорий турларни ўз ичига олади.

10. Давлат сув кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

11. Белгиланган тартибда қабул қилинган сув-кадастр ахбороти сув ва сув хўжалиги муносабатларини тартибга солишда, сувдан фойдаланиш ва сув истемоли билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазифаларни ҳал этишда мажбурий юридик кучга эгадир.

12. Қуйидагилар Давлат сув кадастрини юритадилар:

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (кейинги ўринларда — Ўзгидромет) – ер усти сувлари бўлими бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат геология қўмитаси) – ер ости сувлари бўлими бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Сув хўжалиги вазирлиги) – сувдан фойдаланиш бўлими бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – ичимлик ва оқова сувлар бўйича.

2-боб. Давлат сув кадастрининг мазмуни

13. Республика ҳудудида сув объектларини рўйхатдан ўтказиш, сув ресурслари, уларнинг режими, фойдаланиш, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчилари ва сув хўжалиги объектлари тўғрисидаги миқдор ва сифат баҳо кўрсаткичлари ҳақида ишончли, замонавий ва тежамли ахборотларни олиш, тартибга солиш, сақлаш ва уларни фойдаланувчиларга беришнинг технологик жараёни Давлат сув кадастрининг мазмуни ҳисобланади.

14. Давлат сув кадастри маълумотлари қуйидагиларда фойдаланиш учун мўлжалланади:

сувдан фойдаланишни жорий ва истиқболли режалаштириш ҳамда сувни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;

мамлакат ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш;

сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш схемаларини ҳамда сув хўжалиги балансларини тузиш;

сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли билан боғлиқ бўлган сув хўжалиги, транспорт, саноат корхоналари ҳамда бошқа корхоналар ва иншоотларни лойиҳалаштириш;

давлат сув кадастрини юритишнинг автоматлаштирилган геоахборот тизимида маълумотлар базасини яратиш ва юритиш;

сув хўжалиги объектларининг рақамли хариталар каталогини яратиш;

гидрологик ва гидрогеологик шароитлар, дарёларда сув ҳажми ва сув сифати ўзгаришларини прогнозлаштириш;

сув хўжалиги тизимлари иши самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

сувни истеъмол қилиш ва чиқариб юборишни, шунингдек, сув сифати кўрсаткичларини нормалаштириш;

сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тадбирлари ўтказилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар билан бошқа манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш;

сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

15. Давлат сув кадастри сув ва сув хўжалиги объектларининг қуйидаги турлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади:

а) сув объектлари:

дарёлар;

турли сув тизимларини бирлаштирувчи, оқар сувни ҳудудий қайта тақсимлашга ёки суғоришга хизмат қилувчи каналлар;

кўллар ва сув омборлари;

музликлар;

ер ости сувлари (ҳавзалар, сувли горизонтлар, конлар);

б) сув хўжалиги объектлари (иншоотлари):

гидроузеллар ва сув омборлари;

сув объектларидан сув олишга мўлжалланган иншоотлар (каналлар, насос қурилмалари, фойдаланиш кудуқлари ва бошқалар);

оқар сувни ҳудудий қайта тақсимлашга хизмат қилувчи каналлар;

фойдаланилган ва шахта сувларини сув объектларига ташлаш иншоотлари (коллекторлар, дренаж ва сув тўпланадиган каналлар, қувурсимон сув чиқаргичлар ва бошқалар);

фойдаланилган сувларни тозалаш иншоотлари;

в) ичимлик ва оқова сувлар объектлари:

ичимлик сувни етказиб бериш ҳамда оқова сувларни йиғиш ва оқова сувларни тозалаш иншоотларига етказиб беришга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мавжуд ва қурилаётган ичимлик ва оқова сув қувурлари ва уларга хизмат кўрсатиш объектлари;

белгиланган зулфин ёки ёнғин ўчириш мосламаси, ҳаво чиқарувчи қурилма билан биргаликда ичимлик сув қувурлари ва оқова сув қувурларининг линияли қисми, электрокимёвий ҳимоя воситалари, насос станциялари, сув тақсимлаш иншоотлари, босимли сув миноралари, сув таъминоти ташкилотлари балансида бўлган, катта диаметрлардаги қувурлар ва юқори хавфсизликни таъминлаш зарурати билан қўриқлаш зонасига эга бўлган бошқа иншоотлар.

Ичимлик ва оқова сув иншоотлари, насос станциялари ва сув тақсимлаш иншоотлари ҳудуди ичидаги технологик иншоот ва жиҳозлар ичимлик ва оқова сувлар объектлари ҳисобланмайди.

16. Давлат сув кадастри маълумотлари қуйидагиларга бўлинади:

архив материаллари (дафтарчалар, жадваллар, ўзи ёзадиган техниканинг ленталари ва бошқалар);

узоқ муддатли техник манбалардаги маълумотлар;

эълон қилинадиган материаллар (сув ва сув хўжалиги объектлари каталоглари, ҳар йилги ва кўп йиллик маълумотлар ва бошқалар).

17. Давлат сув кадастрига доир ахборот давлат ҳокимияти органларига бепул, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга эса белгиланган тартибда ҳақ эвазига тақдим этилади.

18. Сув объектлари турларига ҳамда сувни ва ундан фойдаланишни ўрганиш бўйича вазифалар тақсимотига мувофиқ Давлат сув кадастри қуйидаги бўлимларга бўлинади:

ер усти сувлари;

ер ости сувлари;

сувдан фойдаланиш;

ичимлик ва оқова сувлар.

19. Сув объектлари сонини ва ҳолатини ҳисобга олиш объектларнинг ҳажми, ҳолати, ўрганилганлик даражаси ва муҳимлигига қараб, геоахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда картография, гидрогеология ва геодезия усуллари билан амалга оширилади.

20. Сув объектлари режимини ўрганиш тегишли идоралар томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзгидромет билан келишилган стандарт усуллар бўйича стандарт асбоблар воситасида олиб борилади.

21. Давлат сув кадастрига тегишли тематик қатламлар давлат кадастрларининг ҳар бир тури бўйича базавий картографик асосдан фойдаланиб, объект турлари ва ахборот турлари (рўйхатдан ўтказишга оид, ҳисобга олишга оид, баҳолашга оид) бўйича шакллантирилади.

22. Давлат сув кадастрига тегишли тематик қатламлар давлат кадастрларининг хусусиятидан ва объектларнинг жойлашувини аниқлаш усулидан келиб чиқиб, 1:5 000, 1:10 000, 1:25 000 масштабларда шакллантирилади ҳамда объектларнинг фазовий жойлашувидаги хатолик мазкур масштаб талабларида белгиланган меъёрлардан ошмаган бўлиши ваколатли органлар томонидан таъминланади.

23. Давлат сув кадастрига тегишли тематик қатламларнинг математик асоси базавий картографик асоснинг математик асосига мувофиқ бўлиши лозим ҳамда тақдим этилаётган маълумотлар 1984 йилги координаталар бутунжаҳон геодезия тизимида (WGS-84) бўлиши зарур.

24. Давлат сув кадастрига тегишли тематик қатламларни шакллантиришда векторли объектларнинг (нуктали, чизиқли ва майдонли) ўзаро боғлиқлиги ва ёндошлиги уларнинг фазовий жойлашувини инобатга олган ҳолда тасвирланади.

25. Давлат сув кадастрига тегишли тематик қатламларнинг атрибутив маълумотлари ҳамда метамаълумотлари давлат тилида лотин алифбосида шакллантирилади.

26. Давлат сув кадастрига базавий картографик асосининг тематик қатламлари ҳамда давлат кадастрларининг тегишли географик ахборот тизимларини юритиш учун зарур картографик асослар давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан шакллантирилади ҳамда ваколатли органларга геоахборот тизими орқали интеграция қилиш йўли билан реал вақт режимида тақдим этилади.

3-боб. Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритишни ташкил этиш

27. Давлат сув кадастри маълумотлари республика, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлари, дарё ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари бўйича, ер ости сувлари бўлими бўйича эса гидрогеология минтақалари бўйича ҳам тизимлаштирилади ва давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимига киритилади.

28. Ер усти сув ресурслари, уларнинг сифати ва хўжалик фаолияти таъсиридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар сув объектлари ва уларнинг майдонлари, давлат ва давлатлараро аҳамиятга эга бўлган дарё ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари, вилоятлар ва умуман республика бўйича давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимида умумлаштирилади.

29. Ер ости сув ресурслари, уларнинг сифати ва хўжалик фаолияти таъсиридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар конлар, дарё ҳавзалари ва уларнинг майдонлари, сувли горизонтлар ва ер ости сувлари ҳавзалари, вилоятлар ҳамда умуман республика бўйича давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимида умумлаштирилади.

30. Ер ости сувлари ресурсларини баҳолаш уларнинг ер усти сувлари билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

31. Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар давлат аҳамиятига эга бўлган дарё ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари, алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари, вилоятлар ва умуман республика бўйича, шунингдек, сувдан фойдаланиш турлари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича умумлаштирилади.

32. Ичимлик ва оқова сувлар объектлар ва уларнинг майдонлари туманлар (шаҳарлар), вилоятлар ва республика бўйича, шунингдек, фойдаланиш турлари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича умумлаштирилади.

33. Сувдан фойдаланувчиларни сув ресурслари ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги зарур маълумотлар билан таъминлашда тезкорликни ошириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда маълумотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш даражасини ошириш учун Ўзгидромет, Давлат геология қўмитаси ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими ташкил этилади.

34. Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими Ўзгидромет, Давлат геология қўмитаси ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ягона техник топшириқ асосида Ўзгидромет, Давлат геология қўмитаси ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг тармоқ ахборот тизимлари негизида лойиҳалаштирилади ва ташкил этилади.

Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими ўзаро маълумотлар алмашинувини таъминлайди ва Давлат кадастрлари ягона тизимига маълумотларни тақдим қилиб боради.

35. Давлат сув кадастрини юритиш учун ер усти сувлари, ер ости сувлари ва сувдан фойдаланиш бўлимлари бўйича Давлат сув кадастрининг идоралараро бош маркази, Давлат сув кадастри идораларга қарашли бош марказлари ташкил этилади.

36. Давлат сув кадастри идоралараро бош маркази функциясини Ўзгидрометнинг гидрометеорология илмий-тадқиқот институти бажаради.

37. Давлат сув кадастрининг идоралараро бош марказларининг, Давлат сув кадастрининг ҳудудий марказлари ва маҳаллий органларининг функцияси (“Ер усти сувлари”, “Ер ости сувлари”, “Сувдан фойдаланиш” ва “Ичимлик ва оқова сувлар” бўлимлари бўйича) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

38. Ўзгидромет:

а) Давлат геология қўмитаси ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Давлат сув кадастрининг умумий принципларини ва илмий-методик асосларини, Давлат сув кадастрини юритиш, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимини лойиҳалаш ва ташкил этиш тартибини ишлаб чиқади;

б) Давлат сув кадастрини ташкил этиш ва юритишга оид барча ишларни мувофиқлаштиради, йўналтиради ва бирлаштиради;

в) Давлат геология қўмитаси ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Давлат сув кадастрининг идоралараро норматив-техник ҳужжатларини (шу жумладан, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими учун идоралараро лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқади;

г) Давлат геология кўмитаси ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган Сув кадастрини юритишга оид методик кўрсатмаларни, ДСК автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали маълумот ва хизматларни тақдим этиш ва ДСКга оид бошқа норматив-техник ҳужжатларни, шунингдек, ДСКнинг автоматлаштирилган геоахборот тизими учун лойиҳа ҳужжатларини келишиб олади;

д) Давлат геология кўмитаси ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларини жалб қилган ҳолда ер усти сувлари ва ер ости сувлари ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни йиғма таҳлил қилишни, боғлашни ва автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали умумлаштиришни бажаради ҳамда маълумот ва хизматларни тақдим қилади;

е) Давлат геология кўмитаси ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Давлат сув кадастри ахборотномасини нашр этишга тайёрлайди;

ж) “Ер усти сувлари” бўлими бўйича Давлат сув кадастрини ишлаб чиқади ва юритади, шу жумладан:

бўлим бўйича Давлат сув кадастрини (жумладан, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимини) юритиш тизимини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

ер усти сувларининг классификаторларини ишлаб чиқади;

ер усти сувлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, назорат қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштиришга оид усулларни, алгоритмларни ва машиналаштирилган дастурларни ишлаб чиқишни таъминлайди;

ахборотларни кодлаштириш ва сақлаш усулларини ишлаб чиқади;

бўлим бўйича Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими функционал ва идоравий кичик тизимларни лойиҳалаш, синаш, жорий этиш ва такомиллаштиришни таъминлайди;

Сув кадастри ҳудудий марказлари ва маҳаллий органлари учун Давлат сув кадастрини юритишга оид методик кўрсатмаларни, бўлим бўйича автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали маълумот ва хизматларни тақдим этади ва бошқа норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқади;

ер усти сувлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, назорат қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва уларни фойдаланувчилар сўровига кўра беришни ташкил этади;

ер усти сувлари ресурсларини жорий ва истиқбол учун ҳамда уларнинг хўжалик фаолияти таъсиридаги ўзгаришларини баҳолайди;

Давлат сув кадастри автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали маълумот ва хизматларни тақдим этади;

ўзига қаршли муассасалар ҳамда ташкилотлар томонидан бажариладиган Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритишга оид ишларга раҳбарлик қилиш, режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширади.

39. “Ер ости сувлари” ва “Сувдан фойдаланиш” бўлимлари бўйича Давлат сув кадастрини юритиш учун зарур бўлган ер усти сувлари тўғрисидаги маълумотлар Давлат геология кўмитасига ҳамда Сув хўжалиги вазирлигига давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали тақдим қилинишини таъминлайди.

40. Давлат геология кўмитаси “Ер ости сувлари” бўлими бўйича Давлат кадастрини ишлаб чиқади ва уни юритади, шу жумладан:

бўлим бўйича Давлат сув кадастрини (жумладан, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимини) юритиш тизимини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

ер ости сувларининг классификаторларини ишлаб чиқади;

ер ости сувлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, назорат қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштиришга оид усулларни, алгоритмларни ва автоматлаштирилган дастурларни ишлаб чиқади;

ахборотларни кодлаштириш ва сақлаш усулларини ишлаб чиқади;

бўлим бўйича Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими функционал кичик тизимларини лойиҳалаш, синаш, жорий этиш ва такомиллаштиришни таъминлайди;

Сув кадастри ҳудудий марказлари ва маҳаллий органлари учун Давлат сув кадастрини юритишга оид методик кўрсатмаларни, бўлим бўйича Сув кадастри автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали маълумот ва хизматларни тақдим этади ва бошқа норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқади;

ер ости сувлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, назорат қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва уларни фойдаланувчилар сўровига кўра беришни амалга оширади;

ер ости сувлари ресурсларини жорий ва истиқбол учун ҳамда уларнинг хўжалик фаолияти таъсиридаги ўзгаришларини баҳолайди;

“Ер ости сувлари” бўлими бўйича Давлат сув кадастри автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали маълумот ва хизматларни тақдим этади;

“Сувдан фойдаланиш” бўлими бўйича Давлат сув кадастрини юритиш учун зарур бўлган маълумотларни Сув хўжалиги вазирлигига тақдим этади;

ўзига қарашли муассасалар ҳамда ташкилотлар томонидан бажариладиган Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритишга оид ишларга раҳбарлик қилиш, режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширади;

доимий равишда сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳисоботлар асосида кадастр маълумотларини йиллик умумлаштириш, шунингдек, эксплуатацион кудуқлар ва булоқларни камида уч йилда бир марта гидрогеологик тадқиқотлар натижалари, мониторинг тадқиқотлари натижалари билан янгилаб боради.

41. Давлат сув кадастрини юритиш бўйича методик кўрсатмалар лойиҳаларини, Давлат сув кадастри нашрлари макетларини ва Давлат сув кадастрининг бошқа норматив-техник ҳужжатларини, шунингдек, “Ер ости сувлари” бўлими бўйича Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимига лойиҳа ҳужжатларини келишиб олиш учун Ўзгидрометга тақдим этади.

42. “Ер усти сувлари” бўлими бўйича Давлат сув кадастрининг идоралараро кўшма маълумотларни тақдим қилиш ва Давлат сув кадастрини юритиш учун зарур бўлган ер ости сувларига оид материалларнинг Ўзгидрометга берилишини таъминлайди.

43. “Сувдан фойдаланиш” бўлими бўйича Давлат сув кадастрини юритиш учун зарур бўлган маълумотларнинг Сув хўжалиги вазирлигига берилишини таъминлайди.

44. Сув хўжалиги вазирлиги “Сувдан фойдаланиш” бўлими бўйича Давлат сув кадастрини ишлаб чиқади ва уни юритади, шу жумладан:

Давлат сув кадастрини (жумладан, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимини) юритиш тизимини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

сувдан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотларни назорат қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштиришга оид усуллар, алгоритмларни ҳамда автоматлаштирилган дастурларни ишлаб чиқишни таъминлайди;

ахборотларни кодлаштириш ва сақлаш усулларини ишлаб чиқади;

Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимининг функционал кичик тизимларини лойиҳалашни, синашни, жорий этишни ва такомиллаштиришни таъминлайди;

ирригация тизимларининг ҳавза бошқармалари, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари ва ирригация тизимлари бошқармалари учун Давлат сув кадастрини юритиш бўйича методик кўрсатмаларни, Давлат сув кадастри автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали маълумот ва хизматларни тақдим этиш ва Давлат сув кадастрининг бошқа норматив-техник ҳужжатларини ишлаб чиқади;

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари, ер усти ва ер ости сувларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, назорат қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва беришни ташкил этади;

суддан фойдаланишни жорий ва истиқбол учун баҳолайди ҳамда сув хўжалиги ҳисобот балансларини тузади;

“Суддан фойдаланиш” бўлими бўйича Давлат сув кадастри нашрларини чиқаришга ва эълон қилишга тайёрлайди;

ўзига қарашли муассаса ҳамда ташкилотлар томонидан бажариладиган Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритишга оид ишларга раҳбарлик қилади, режалаштиради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Суддан фойдаланиш бўйича сув хўжалиги объектларини геоахборот тизими базасида кадастр маълумотларини яратиш ва атрибут маълумотларини янгилаш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни амалга оширади.

45. Давлат сув кадастрини юритиш бўйича методик кўрсатмалар лойиҳаларини, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали маълумот ва хизматларни тақдим этиш ва Давлат сув кадастрининг бошқа норматив-техник ҳужжатларини, шунингдек, “Суддан фойдаланиш” бўлими бўйича Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимига оид лойиҳа ҳужжатларини келишиб олиш учун Ўзгидрометга тақдим этади.

46. “Ер усти сувлари” бўлими бўйича Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали Давлат сув кадастрини юритиш учун зарур бўлган суддан фойдаланишга оид материалларнинг Ўзгидрометга берилишини таъминлайди.

47. “Ер ости сувлари” бўлими бўйича Давлат сув кадастрини юритиш учун зарур бўлган маълумотлар Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали Давлат геология кўмитасига берилишини таъминлайди.

48. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Ичимлик ва оқова сувлар” бўлими бўйича Давлат сув кадастрини ишлаб чиқади ва уни юритади, шу жумладан:

Давлат сув кадастрини (жумладан, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимини) юритиш тизимини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

ичимлик ва оқова сувлар тўғрисидаги ахборотларни назорат қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштиришга оид усуллар, алгоритмларни ҳамда автоматлаштирилган дастурларни ишлаб чиқишни таъминлайди;

ахборотларни кодлаштириш ва сақлаш усулларини ишлаб чиқади;

Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимининг функционал кичик тизимларини лойиҳалашни, синашни, жорий этишни ва такомиллаштиришни таъминлайди;

тизим ташкилотлари учун Давлат сув кадастрини юритиш бўйича методик кўрсатмаларни ва Давлат сув кадастрининг бошқа норматив-техник ҳужжатларини ишлаб чиқади;

Давлат сув кадастрини юритишда “Ичимлик ва оқова сувлар” бўлими маълумотлари ягона методика асосида яратилиши ва юритилишини таъминлайди;

“Ичимлик ва оқова сувлари” бўлими маълумотларини йиғиш, назорат қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва беришни ташкил этади;

ўзига қарашли муассаса ҳамда ташкилотлар томонидан бажариладиган Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритишга оид ишларга раҳбарлик қилиш, режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширади.

49. Давлат сув кадастрини юритиш бўйича методик кўрсатмалар лойиҳаларини, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими орқали маълумот ва хизматларни тақдим этиш ва Давлат сув кадастрининг бошқа норматив-техник ҳужжатларини, шунингдек, “Ичимлик ва оқова сувлар” бўлими бўйича Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимига оид лойиҳа ҳужжатларини келишиб олиш учун Ўзгидрометга тақдим этади.

50. Давлат сув кадастри яхлитлигини таъминлаш бўйича Давлат сув кадастрини юритувчи ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайди.

Давлат сув кадастрини умумлаштирувчи ваколатли органга “Ичимлик ва оқова сувлар” бўлими маълумотларини тақдим қилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

51. Давлат сув кадастрининг ДКЯТга тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун ваколатли органлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

52. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 ноябрдаги 499-сон қарори билан тасдиқланган Гидротехника иншоотларининг кадастрини юритиш тартибида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ўзбекистон Республикаси Гидротехника иншоотлари кадастри “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги ва “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ иншоотларнинг техник ҳолатини ҳисобга олиш ва баҳолаш, уларнинг бехатар ишлашини таъминлаш мақсадида юритилади”;

б) 12-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“12. Гидротехника иншоотлари кадастрининг мазмун бўйича аниқ гидротехника иншоотининг (тўғонлар (плотиналар), гидроэлектр станциялар бинолари, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суяқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар)), муҳофаза зоналари турига нисбатан қўлланиладиган шакллари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ билан келишган ҳолда “Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси томонидан тасдиқланади”;

в) қуйидаги мазмундаги IV–VI боб билан тўлдирилсин:

**“IV. Гидротехника иншоотлари кадастрига тегишли
тематик қатламларга қўйиладиган умумий талаблар
ва уларни шакллантириш**

16. Гидротехника иншоотлари кадастрига тегишли тематик қатламлар давлат кадастрларининг ҳар бир тури бўйича базавий картографик асосдан фойдаланиб, объект турлари ва ахборот турлари (рўйхатдан ўтказишга оид, ҳисобга олишга оид, баҳолашга оид) бўйича шакллантирилади.

17. Гидротехника иншоотлари кадастрига тегишли тематик қатламлар давлат кадастрларининг хусусиятидан ва объектларнинг жойлашувини аниқлаш усулидан келиб чиқиб, 1:5 000, 1:10 000, 1:25 000 масштабларда шакллантирилади ҳамда объектларнинг фазовий жойлашувидаги хатолик мазкур масштаб талабларида белгиланган меъёрларидан ошмаган бўлиши ваколатли органлар томонидан таъминланади.

18. Гидротехника иншоотлари кадастрига тегишли тематик қатламларнинг математик асоси базавий картографик асоснинг математик асосига мувофиқ бўлиши лозим ҳамда тақдим этилаётган маълумотлар 1984 йилги координаталар бутунжаҳон геодезия тизимида (WGS-84) бўлиши зарур.

19. Гидротехника иншоотлари кадастрига тегишли тематик қатламларни шакллантиришда векторли объектларнинг (нуқтали, чизиқли ва майдонли) ўзаро боғлиқлиги ва ёндошлиги уларнинг фазовий жойлашувини инобатга олган ҳолда тасвирланади.

20. Гидротехника иншоотлари кадастрига тегишли тематик қатламларнинг атрибутив маълумотлари ҳамда метамаълумотлари давлат тилида латин алифбосида шакллантирилади.

21. Гидротехника иншоотлари кадастри геоахборот тизими орқали юритилади. Гидротехника иншоотлари кадастри геоахборот тизими мазкур давлат кадастрини юритишга масъул вазирлик ва идоралар томонидан биргаликда яратилади.

22. Гидротехника иншоотлари кадастрига базавий картографик асосининг тематик қатламлари ҳамда давлат кадастрларининг тегишли географик ахборот тизимларини юритиш учун зарур картографик асослар давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан шакллантирилади ҳамда ваколатли органларга геоахборот тизими орқали интеграция қилиш йўли билан реал вақт режимида тақдим этилади.

23. Гидротехника иншоотлари кадастри объектлари маълумотларини умумлаштириш ва мувофиқлаштириш Сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилади.

V. Гидротехника иншоотлари кадастри маълумотларидан фойдаланиш

24. Гидротехника иншоотлари кадастри маълумотлари географик ахборот тизими орқали:

давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ваколатли органларга – ахборот ресурсларига тизимли (доимий) равишда фойдаланишга идоралараро технологик йўриқномалар асосида рухсат бериш йўли билан амалга оширилади;

юридик ва жисмоний шахсларга – сўров асосида махсус ваколатли орган томонидан белгиланадиган тўлов эвазига тақдим этилади.

25. Гидротехника иншоотлари кадастрининг фойдаланиши чекланган маълумотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

VI. Яқунловчи қоидалар

26. Гидротехника иншоотлари кадастрининг ДҚЯТга тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун ваколатли органлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2005 йил 30 июндаги 152-сон қарорида:

а) 2-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. ТЙДК – бу темир йўл объектлари, уларнинг географик жойлашуви, ерни, уларнинг чегаралари, муҳофаза зоналари, ҳуқуқий мақоми, микдор ва сифат тавсифлари ва иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги янгиланиб туриладиган ишончли ахборот тизими”;

4-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“4. Мавжуд бўлган ва фойдаланишга қабул қилинган темир йўллар, ажратилган минтақа, муҳофаза зоналари, станциялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган темир йўлларнинг бошқа объектлари ТЙДК объектлари ҳисобланади”;

5-банддаги “давлат-акциядорлик компанияси” сўзлари “акциядорлик жамияти” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги “давлат-акциядорлик компаниясини” сўзлари “акциядорлик жамиятини” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг учинчи хатбошидаги “макон” сўзи “фазовий” сўзи билан алмаштирилсин;

12-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“12. ТЙДКни юритиш геоахборот тизими орқали амалга оширилади”;

куйидаги мазмундаги 12¹-банд билан тўлдирилсин:

“12¹. ТЙДКни юритиш учун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ТЙДК геоахборот тизимини яратади”;

13-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“13. Темир йўл объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган кадастр ахбороти ДКЯТга геоахборот тизими орқали интеграция қилиш йўли билан реал вақт режимида тақдим қилиб борилади”;

куйидаги мазмундаги 13¹ ва 13²-хатбошилар билан тўлдирилсин:

“13¹. ТЙДКга тегишли тематик қатламларнинг математик асоси базавий картографик асоснинг математик асосига мувофиқ бўлиши лозим ҳамда тақдим этилаётган маълумотлар 1984 йилги координаталар бутунжаҳон геодезия тизимида (WGS-84) бўлиши зарур.

13². ТЙДКга тегишли тематик қатламларни шакллантиришда векторли объектларнинг (нуқтали, чизиқли ва майдонли) ўзаро боғлиқлиги ва ёндошлиги уларнинг фазовий жойлашувини инобатга олган ҳолда тасвирланади”;

14-банддаги “давлат-акциядорлик компанияси” сўзлари “акциядорлик жамияти” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“15. ТЙДКни юритиш “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг куйидаги таркибий бўлинмалари:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлими;

темир йўл корхоналарининг кадастр бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

ТЙДКни юритиш бўйича ишларга умумий раҳбарлик қилишни “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг бош менежери – бош муҳандиси амалга оширади.

ТЙДКни юритишни методик таъминлашни “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти амалга оширади”;

17-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Темир йўллар давлат кадастри бўлими:

темир йўллар давлат кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими жорий этилиши ва мавжуд бўлишини таъминлайди;

маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, уни темир йўл корхоналарига беради, маълумотлар базаси тўғри тўлдирилиши устидан назорат қилади;

корхоналарнинг кадастр билан ишлайдиган ходимларини темир йўллар давлат кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими билан ишлашга ўқитишни ташкил этади;

корхоналар томонидан тақдим этилган кадастр ахборотини тизимлаштиради ва уни темир йўллар давлат кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимига киритади;

темир йўлларнинг янги объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотлари тўпланиши устидан назорат қилади;

кадастр ахборотлари ДКЯТга тезкор берилишини амалга оширади;

ҳар йили белгиланган тартибда ДКЯТга “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг темир йўл объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тақдим этади”;

18-банднинг учинчи хатбошисидаги “ахборот тизимига” сўзлари “геоахборот тизимига” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимидан ташқарида мавжуд бўлган темир йўл объектларининг эгалари (фойдаланувчилар) “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг кадастр хизматига кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор тавсифлари ва баҳоланиши, шунингдек, улар ҳолатининг жорий ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт”;

22-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Темир йўл объектларининг барча турлари бирламчи рўйхатга олиниши керак. Бунда асосий кўрсаткичлар қайд этилади.

Асосий кўрсаткичларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишув бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан тасдиқланадиган тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Рўйхат натижалари бўйича ҳар бир объектга паспорт тузилади”;


24-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Темир йўл объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишув бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан техник параметрлар ва кадастр ахборотларини тақдим этиш форматлари ишлаб чиқилади”;

26-банддаги “давлат-акциядорлик компаниясининг” сўзлари “акциядорлик жамиятининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Темир йўллар давлат кадастрини юритиш схемаси



Изоҳ: Стрелкалар билан кадастр ахбороти ҳаракати йўналишлари белгиланган.

1. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимидан ташқарида мавжуд бўлган темир йўл объектлари эгалари (фойдаланувчилар) темир йўл объектлари бўйича кадастр ахборотларини темир йўл корхоналарининг кадастр бўлинмаларига тақдим этадилар.

2. Темир йўл корхоналарининг кадастр бўлинмалари ушбу объектларнинг эгалари ва фойдаланувчилардан темир йўл объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайдилар, ўз худудлари доирасида кадастр ишини шакллантирадилар, темир йўл объектлари бўйича ахборотни Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлимига тақдим этадилар.

3. Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлими давлат ер кадастридан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан ер участкалари, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни олади.

4. Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлими темир йўл объекти ТЙДКга киритилгандан кейин кадастр ахборотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ДКЯТнинг маълумотлар базасига беради.

5. Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлими сўров бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ДКЯТ маълумотлар базасидан темир йўл объектлари бўйича ахборот олиши мумкин.

6. Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлими темир йўл объектлари бўйича зарур ахборотни темир йўл корхоналари кадастр бўлинмаларига юборади.

7. ДКЯТдан фойдаланувчилар сўров бўйича темир йўл объектлари бўйича кадастр ахборотларини олишлари мумкин”;

б) 3-иловада:

2-банддаги “жуғрофий ҳолати” сўзлари “географик жойлашуви, ерни, уларнинг чегаралари, муҳофаза зоналари” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд куйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“ЕБКДК куйидаги тоифаларга бўлинади:

1-тоифа. Магистрал етказиб бериш қувурлари ва газ тизими объектлари;

2-тоифа. Углеводород хомашёсини казиб чиқариш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиган кон қувурлари;

3-тоифа. Газ тақсимлаш қувурлари (маиший ва улгуржи истемолчилар)”;

5-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“5. Энергетика вазирлиги ЕБҚДКни юритиш бўйича ваколатли орган ҳамда ЕБҚДКга кирувчи 3 та тоифадаги объектларни яратиш ва юритиш бўйича “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти, “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятлари ваколатли органлар ҳисобланади”;

6-банддаги “Ўзбекнефтгаз” миллий-холдинг компаниясини,” сўзлари “Энергетика вазирлигини” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг учинчи хатбошисидаги “макон” сўзи “фазовий” сўзи билан алмаштирилсин;

12-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

13-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“13. Етказиб бериш қувурлари объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган кадастр ахбороти ДҚЯТга геоахборот тизими орқали интеграция қилиш йўли билан реал вақт режимида тақдим қилиб борилади.

Давлат сири ҳисобланган давлат кадастрларига доир ахборотдан фойдаланиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилинади”;

куйидаги мазмундаги 13¹ ва 13²-бандлар билан тўлдирилсин:

“13¹. ЕБҚДКга тегишли тематик қатламларнинг математик асоси базавий картографик асоснинг математик асосига мувофиқ бўлиши лозим ҳамда тақдим этилаётган маълумотлар 1984 йилги координаталар бутунжаҳон геодезия тизимида (WGS-84) бўлиши зарур.

13². ЕБҚДКга тегишли тематик қатламларни шакллантиришда векторли объектларнинг (нуқтали, чизиқли ва майдонли) ўзаро боғлиқлиги ва ёндошлиги уларнинг фазовий жойлашувини инобатга олган ҳолда тасвирланади”;

14-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“14. ЕБҚДКни яратиш ва юритиш ишларини молиялаштириш Энергетика вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти, “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти маблағлари ҳисобидан амалга оширилади”;

15-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“15. ЕБҚДКни юритиш Энергетика вазирлигининг куйидаги таркибий бўлинмалари:

“Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти;

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти;

“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилади.

ЕБҚДКни юритиш ишларига умумий раҳбарлик қилиш Энергетика вазирлиги томонидан геоахборот тизими орқали амалга оширилади”;

17, 18 ва 19-бандлар куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Ҳисобга олиш ва баҳолаш кадастр ахборотларини шакллантириш етказиб бериш қувурлари бўйича маълумотлар банки ташкил этилган ҳолда Энергетика вазирлиги ва ЕБҚДКнинг тегишли бўлимига қараб, “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятлари томонидан амалга оширилади.

18. Энергетика вазирлиги ва унинг тизим ташкилотларининг етказиб бериш қувурлари объектларига қурувчи, фойдаланувчи, реконструкция қилувчи ва таъмирловчи бўлинмалари бир ой мобайнида маълумотлар базасига етказиб бериш қувурлари объектларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари, ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни киритишлари шарт.

19. ЕБҚДК хизмати:

етказиб бериш қувурлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими жорий этилиши ва мавжуд бўлишини таъминлайди;

маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, уни нефть-газ-транспорт корхоналарига беради, маълумотлар базаси тўғри тўлдирилиши устидан назорат қилади;

ходимларни етказиб бериш қувурлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизими билан ишлашга ўқитишни ташкил этади;

корхоналар томонидан тақдим этилган кадастр ахборотларини тизимлаштиради ва уларни етказиб бериш қувурлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган геоахборот тизимига киритади;

етказиб бериш қувурларининг янги объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотлари тўпланиши устидан назорат қилади;

шакллантирилаётган кадастр маълумотлари сифати устидан назорат олиб боради, унинг ишончилиги ва ўз вақтида ЕБҚДК автоматлаштирилган геоахборот тизимига киритилиши учун жавобгар бўлади;

кадастр ахборотларининг хилма хиллиги ва сифатига талабни мунтазам ўрганади, кадастрни юритиш технологияси такомиллаштирилишини таъминлайди;

кадастр ахборотлари ДҚЯТга тезкор берилишини амалга оширади;

ЕБҚДК юритиш ишларини методик таъминлашни акциядорлик жамиятларининг ЕБҚДК бўлимлари билан биргаликда амалга оширади”;

21 ва 22-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Энергетика вазирлиги:

умуман тармоқ бўйича ЕБКДКни юритиш бўйича Энергетика вазирлигининг таркибий бўлинмалари ишини мувофиқлаштиради;

ҳар йили белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига уларни ДКЯТга киритиш учун етказиб бериш қувурлари объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

22. Энергетика вазирлиги тизимидан ташқарида мавжуд бўлган етказиб бериш қувурлари объектларининг эгалари (фойдаланувчилар) Энергетика вазирлигининг кадастр юритиш юклатилган тизим ташкилотларига кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор тавсифлари ва баҳоланиши, шунингдек, улар ҳолатининг жорий ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт”;

25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Етказиб бериш қувурлари объектларининг барча турлари бирламчи рўйхатга олиниши керак. Бунда асосий кўрсаткичлар қайд этилади. Асосий кўрсаткичларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишув бўйича Энергетика вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Рўйхат натижалари бўйича ҳар бир объектга паспорт тузилади”;

27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Етказиб бериш қувурлари объектларининг миқдор ва сифат тавсифлари ҳисобга қўйилиши уларнинг иқтисодий, технологик ва экологик белгилар бўйича таснифланишини ўз ичига олади, уларнинг таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан етказиб бериш қувурлари давлат кадастрини юритиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Етказиб бериш қувурлари объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишув бўйича Энергетика вазирлиги томонидан техник параметрлар ва кадастр ахборотини тақдим этиш форматлари ишлаб чиқилади.


Ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисобга олиш ахбороти корхонанинг кадастр дафтарига ёзилади ва ЕБКДК автоматлаштирилган геоахборот тизимида киритилади”;

29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“29. Етказиб бериш қувурлари объектлари тўғрисидаги кадастр ахборотларининг ишончилиги учун нефть-газ-транспорт корхоналарининг мансабдор шахслари ва Энергетика вазирлиги тизимидаги ЕБКДКни юритиш юкланган тизим ташкилоти жавоб беради”;

Низомга илованинг матни куйидаги тахирда баён этилсин:

Етказиб бериш қувурлари давлат кадастрини юритиш схемаси



Изоҳ: Стрелкалар билан кадастр ахбороти ҳаракати йўналишлари белгиланган.

1. Энергетика вазирлиги тизимидан ташқарида мавжуд бўлган етказиб бериш қувурлари объектларининг эгалари (фойдаланувчилар) Энергетика вазирлиги, ЕБҚДҚни яратиш ва юритишга тегишли тоифаларига масъул бўлинмаларига кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор тавсифлари ва баҳоланиши, шунингдек, улар ҳолатининг жорий ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотни корхоналарнинг тегишли кадастр бўлинмаларига тақдим этадилар.

2. Энергетика вазирлигининг ЕБҚДҚни юритиш учун масъул таркибий бўлинмалари ушбу объектларнинг эгалари ва фойдаланувчилардан бўлган етказиб бериш қувурлари объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайдилар, ўз ҳудудлари доирасида кадастр ишини шакллантирадилар, уларни Энергетика вазирлигининг ЕБҚДҚни умумлаштириш учун масъул ЕБҚДҚ хизматига тақдим этадилар.

3. Энергетика вазирлигининг ЕБҚДКни умумлаштириш учун масъул ЕБҚДК хизмати давлат ер кадастридан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан ер участкалари, бино ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни олади.

4. Энергетика вазирлигининг ЕБҚДКни умумлаштириш учун масъул ЕБҚДК хизмати етказиб бериш қувурлари объекти ахборотларини ЕБҚДКга киритилгандан кейин умумлаштирилган ЕБҚДКдаги кадастр маълумотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ДҚЯТга геоахборот тизими орқали интеграция қилиш йўли билан реал вақт режимида тақдим қилиб боради.

5. Энергетика вазирлигининг ЕБҚДКни умумлаштириш учун масъул ЕБҚДК хизмати етказиб бериш қувурлари объекти ахборотларини сўров бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ДҚЯТнинг маълумотлар базасидан олиши мумкин.

6. Энергетика вазирлигининг ЕБҚДКни умумлаштириш учун масъул ЕБҚДК хизмати Энергетика вазирлиги тизимидаги ЕБҚДКни юритувчи ваколатли ташкилотларга етказиб бериш қувурлари объекти зарур ахборотларни Энергетика вазирлигининг ЕБҚДКни юритиш учун масъул таркибий бўлинмаларига юборади.

7. ДҚЯТдан фойдаланувчилар сўров бўйича етказиб бериш қувурлари объектлари бўйича кадастр ахборотларини Кадастр агентлиги ДҚЯТ маълумотлар базасидан олишлари мумкин”;

в) 4-иловада:

2 ва 3-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. АОДК – бу алоқа объектлари, уларнинг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, муҳофаза зоналари, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли маълумотлар тизимидир.

3. АОДК ДҚЯТнинг таркибий қисми ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудидаги алоқа объектларини табиий, хўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади”;

7-банднинг учинчи хатбошисидаги “макон” сўзи “фазовий” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 7¹ ва 7²-бандлар билан тўлдирилсин:

“7¹. АОДКга тегишли тематик қатламларнинг математик асоси базавий картографик асоснинг математик асосига мувофиқ бўлиши лозим ҳамда тақдим этилаётган маълумотлар 1984 йилги координаталар бутунжаҳон геодезия тизимида (WGS-84) бўлиши зарур.

7². АОДКга тегишли тематик қатламларни шакллантиришда векторли объектларнинг (нуқтали, чизиқли ва майдонли) ўзаро боғлиқлиги ва ёндошлиги уларнинг фазовий жойлашувини инобатга олган ҳолда тасвирланади”;

12-банддаги “қоғоз ва (ёки) электрон манбаларда” сўзлари “геоахборот тизими орқали” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 12¹-банд билан тўлдирилсин:

“12¹. АОДКни юритишга масъул вазирлик ва идора АОДК геоахборот тизимини яратади”;

13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Алоқа объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган очиқ тематик қатламлар ДҚЯТга геоахборот тизими орқали интеграция қилиш йўли билан реал вақт режимида тақдим қилиб борилади.

Маълумотлар электрон-рақамли базаларининг техник параметрлари (классификаторлар, шартли белгилар ва бошқалар) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишилиши керак.

Давлат сири ҳисобланган давлат кадастрларига доир ахборотдан фойдаланиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилинади”;

26-банднинг учинчи хатбошиси “корхонанинг кадастр дафтарига ёзилади ва” сўзларидан кейин “АОДКнинг” сўзи билан тўлдирилсин;

28-банд “ва уларнинг ДҚЯТга” сўзларидан кейин “геоахборот тизими орқали” сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 5-иловада:

2-банд “жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми,” сўзларидан кейин “муҳофаза зоналари,” сўзлари билан тўлдирилсин;

5-банддаги “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси” сўзлари “Энергетика вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг учинчи хатбошисидаги “макон” сўзи “фазовий” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 7¹ ва 7²-бандлар билан тўлдирилсин:

“7¹. ЭОДКга тегишли тематик қатламларнинг математик асоси базавий картографик асоснинг математик асосига мувофиқ бўлиши лозим ҳамда тақдим этилаётган маълумотлар 1984 йилги координаталар бутунжаҳон геодезия тизимида (WGS-84) бўлиши зарур.

7². ЭОДКга тегишли тематик қатламларни шакллантиришда векторли объектларнинг (нуқтали, чизиқли ва майдонли) ўзаро боғлиқлиги ва ёндошлиги уларнинг фазовий жойлашувини инобатга олган ҳолда тасвирланади”;

12-банддаги “қоғоз ва (ёки) электрон манбаларда” сўзлари “геоахборот тизими орқали” сўзлари билан алмаштирилсин;

13, 14 ва 15-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Энергетика объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган кадастр ахбороти ДҚЯТга геоахборот тизими орқали интеграция қилиш йўли билан реал вақт режимида тақдим қилиб борилади.

14. ЭОДҚни яратиш ва юритиш ишларини молиялаштириш Энергетика вазирлиги, “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекгидроэнерго” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

15. ЭОДҚни юритиш Энергетика вазирлигининг қуйидаги таркибий бўлинмалари:

“Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекгидроэнерго” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари ЭОДҚни яратиш бўйича бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

ЭОДҚни юритиш бўйича ишларга умумий раҳбарлик қилиш Энергетика вазирлиги томонидан амалга оширади.

ЭОДҚни юритишни методик таъминлашни Энергетика вазирлиги “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекгидроэнерго” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари билан биргаликда амалга оширади”;

17, 18 ва 19-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Энергетика вазирлиги “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекгидроэнерго” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари билан биргаликда:

энергетика объектлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими ЭОДҚ Географик ахборот тизими (кейинги ўринларда – ГАТ) жорий этилишини ва фаолият кўрсатишини таъминлайди;

маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, уни энергетика корхоналарига беришни амалга оширади, маълумотлар базаси тўлдирилишининг тўғрилигини назорат қилади;

ЭОКХ кадастр ходимларини ЭОДҚ ГАТ билан ишлашга ўқитишни ташкил қилади;

ЭОКХга тақдим этилган кадастр ахборотларини тизимлаштиришни ва уларни ЭОДҚ ГАТга киритишни амалга оширади;

янги энергетика объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотлари тўпланишини назорат қилади;

кадастр ахборотларининг ДҚЯТга тезкорлик билан берилишини амалга оширади.

Энергетика вазирлиги энергетика объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботни ДКЯТга геоахборот тизими орқали реал вақт режимида тақдим этади.

18. “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекгидроэнерго” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари:

энергетика объектларининг миқдор ва сифат бўйича ҳолатидаги жорий ўзгаришларни, уларнинг атроф муҳитга таъсирини, экологик-иқтисодий баҳосини тўплайди ва тизимлаштиради;

энергетика объектларининг кадастр дафтарларини юритади, маълумотлар базасини тўлдиради ва уларни тизимлаштириш ҳамда ЭОДК ГАТга киритиш учун Энергетика вазирлигининг тегишли кадастр бўлинмасига беради;

янги энергетика объектларини ҳисобга қўяди, улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларини тўплайди.

19. Энергетика вазирлиги тизимдан ташқарида фаолият кўрсатувчи энергетика объектлари мулкдорлари (фойдаланувчилар) Энергетика вазирлигининг “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекгидроэнерго” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларининг кадастр бўлинмаларига кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдорий тавсифлари ва баҳоси, шунингдек, уларнинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни тақдим этишлари шарт”;

22-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Энергетика объектларининг барча турлари бошланғич рўйхатга киритилади. Бунда асосий кўрсаткичлар қайд этилади, ушбу кўрсаткичларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишган ҳолда Энергетика вазирлигининг “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекгидроэнерго” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларининг тегишли норматив ҳужжатлари билан белгиланади. Рўйхатга киритиш натижалари бўйича ҳар қайси объект учун паспорт тузилади”;

24-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:


“24. Энергетика объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш уларни иқтисодий, технологик ва экологик белгилари бўйича классификация қилишни ўз ичига олади, уларнинг таркиби энергетика объектлари давлат кадастрини юритиш бўйича норматив ҳужжатларда белгиланади.

Энергетика объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун Энергетика вазирлигининг “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекгидроэнерго” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишган ҳолда кадастр ахборотларини тақдим этишнинг техник параметрлари ва форматлари ишлаб чиқилади.

Ҳисобга олиш ахборотлари корхонанинг кадастр дафтарига ёзилади ва ЭОДК ГАТга киритилади”;

Низомга илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Энергетика объектлари давлат кадастрини юритиш схемаси



Изоҳ. Стрелкалар билан кадастр ахбороти ҳаракати йўналишлари белгиланган

1. Энергетика вазирлиги тизимидан ташқарида мавжуд бўлган энергетика объектларининг эгалари (фойдаланувчилар) Энергетика вазирлиги, ЭОДКни яратиш ва юритишга тегишли тоифаларига масъул бўлинмаларига кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор тавсифлари ва баҳоланиши, шунингдек, улар ҳолатининг жорий ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотни корхоналарининг тегишли кадастр бўлинмаларига тақдим этадилар.

2. Энергетика вазирлигининг ЭОДКни юритиш учун масъул таркибий бўлинмалари ушбу объектларнинг эгалари ва фойдаланувчилардан бўлган энергетика объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайдилар, ўз ҳудудлари доирасида кадастр ишини шакллантирадилар, уларни Энергетика вазирлигининг ЭОДКни умумлаштириш учун масъул энергетика объектлари хизмати (ЭОКХ)га тақдим этадилар.

3. Энергетика вазирлигининг ЭОДКни умумлаштириш учун масъул ЭОКХ давлат ер кадастридан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан ер участкалари, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни олади.

4. Энергетика вазирлигининг ЭОДКни умумлаштириш учун масъул ЭОДК хизмати энергетика объекти ахборотларини ЭОДКга киритилгандан кейин умумлаштирилган ЭОДКдаги кадастр маълумотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ДКЯТга геоахборот тизими орқали интеграция қилиш йўли билан реал вақт режимида тақдим қилиб боради.

5. Энергетика вазирлигининг ЭОДКни умумлаштириш учун масъул ЭОКХ энергетика объекти ахборотларини сўров бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ДКЯТнинг маълумотлар базасидан олиши мумкин.

6. Энергетика вазирлигининг ЭОДКни умумлаштириш учун масъул ЭОКХ Энергетика вазирлиги тизимидаги ЭОДКни юритувчи ваколатли ташкилотларга етказиб бериш қувурлари объекти зарур ахборотларни Энергетика вазирлигининг ЭОДКни юритиш учун масъул таркибий бўлинмаларига юборади.

7. ДКЯТдан фойдаланувчилар сўров бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ДКЯТ маълумотлар базасидан энергетика объектлари бўйича кадастр ахборотларини олиши мумкин”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банддаги “жуғрофий ҳолати” сўзлари “географик жойлашуви” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг учинчи хатбошисидаги “макон” сўзи “фазовий” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 8-банд куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ДШКга тегишли тематик қатламларни шакллантиришда векторли объектларнинг (нуқтали, чизиқли ва майдонли) ўзаро боғлиқлиги ва ёндошлиги уларнинг фазовий жойлашувини инобатга олган ҳолда тасвирланади”;

иккинчи – саккизинчи хатбошилар учинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) 11-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Ўзбекистон Республикаси Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш географик ахборот тизимининг геопортали (кейинги ўринларда – ДШК геопортали) орқали амалга оширилади.

ДШК геопортали қатламлар, фазовий маълумотлар, метамалумотларни ўз ичига олади.

Давлат шаҳарсозлик кадастрининг электрон манбалардаги ахборот базаси Автоматлаштирилган геоахборот қидирув тизими сифатида шакллантирилади.

ДШК геопортали давлат ахборот ресурси ҳисобланади”;

16 ва 17-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Қурилиш вазирлигининг ДШК геопортал оператори:

ДШК геопортали жорий этилишини ва фаолият кўрсатишини таъминлайди;

маълумотлар базаси таркибини ишлаб чиқади, уларни Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритувчи бўлинмаларга беради, маълумотлар базаси тўғри тўлдирилиши юзасидан назорат олиб боради;

Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритувчи бўлинмалар ходимларини Давлат шаҳарсозлик кадастри геопорталида ишлашга ўқитилишини ташкил этади;

Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритувчи бўлинмалар томонидан тақдим этилган кадастр ахборотини туркумлаштиради ва уларни ДШК геопорталига киритади;

Давлат шаҳарсозлик кадастрининг янги объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотлари тўпланишини назорат қилади;

Давлат шаҳарсозлик кадастрига оид кадастр маълумотлари ДКЯТга Миллий геоахборот тизимига интеграция қилиш орқали реал вақт режимида тўлиқ тақдим қилинишини таъминлайди;

Давлат шаҳарсозлик кадастрини яратиш ва юритиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқади;

Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритувчи ваколатли бўлинмаларга ДШК геопорталида қулай имкониятлар яратади.

17. Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритувчи ваколатли бўлинмалар:

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг миқдор ва сифат ҳолати тўғрисидаги жорий ўзгаришларни тўплайдилар ва туркумлаштирадидилар;

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг кадастр дафтарларини юритадилар, ўз ваколатлари доирасида ўз маълумотлар базасини юритадилар ҳамда уларни туркумлаштиради ва ДШК геопорталига киритиб борадилар;

Давлат шаҳарсозлик кадастри янги объектларини ҳисобга кўядилар, улар тўғрисида ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотларини тўплайдилар ва ДШК геопорталига киритадилар”;

22-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“22. Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг миқдор ва сифат тавсифлари ҳисоби уларнинг иқтисодий, шаҳарсозлик ва экологик белгилари бўйича таснифини ўз ичига олади, уларнинг таркиби Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш бўйича норматив ҳужжатларда белгиланади.

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун Қурилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишган ҳолда кадастр ахборотларини тақдим этишнинг техник параметрлари ва форматлари ишлаб чиқилади.

Ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисобга олиш ахборотлари кадастр дафтарига ёзилади ва ДШК геопорталига киритилади.

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларини иқтисодий баҳолаш солиқ солиш, хусусийлаштириш ва бошқа мақсадлар учун ҳар қайси объектнинг қийматини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларини иқтисодий баҳолаш уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади”;

22-1-банднинг биринчи хатбошисидаги “Давлат шаҳарсозлик кадастрининг Автоматлаштирилган геоахборот тизимини” сўзлари “ДШК геопорталини” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорига иловада:

а) III бўлимнинг номи “Ер участкаларига” сўзларидан кейин “ва кўп йиллик дов-дарахтларга” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) куйидаги мазмундаги 3.6-позиция билан тўлдирилсин:

“ 3.6	Кўп йиллик дов-дарахтлар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари ва ҳар 1 гектар дов-дарахтлар билан эгалланган ер участкаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 фоизи	”;
-------	--------------------------	---	----

в) куйидаги мазмундаги 4.16 ва 4.17-позициялар билан тўлдирилсин:

“ 4.16	Жисмоний шахсларнинг кўп йиллик дов-дарахтлари давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 3,0 баравари	”;
4.17	Юридик шахсларнинг кўп йиллик дов-дарахтлари давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,0 баравари	

в) изоҳлар қисмида:

2-банднинг “б” кичик бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ аҳоли пунктларининг номланиши ва чегаралари ўзгарганда, шу жумладан, бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ўтказилганда (турар ёки нотурар кўчмас мулк объектида реконструкция, кўшимча ва алоҳида қурилиш мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно)”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳлар ногиронлари ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун давлат хизматлари нархи хизматлар умумий қийматининг 50 фоизини ташкил қилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно)”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон қарорида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги “2018–2021 йиллар” сўзлари “2018–2023 йиллар” сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 1-иловада:

2-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“**бутунжаҳон геодезия тизими (WGS-84)** – 1984 йилги координаталар бутунжаҳон геодезия тизими”;

иккинчи – еттинчи хатбошилар тегишлича учинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**маъмурий-ҳудудий бирликлар** – вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси”;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**ортофоторежа** – аэрокосмик суратларни фотограмметрик усулда аниқ геодезик асосга (координата ва баландлик бўйича) боғлаб тайёрланган фоторежа;

“**чегара чизиғининг тавсифи** – чегара бурилиш координаталари ва чегара чизиғининг йўналишига оид маълумотларни тизимли равишда ёзувли матн шаклида таърифлаш”;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Қорақалпоғистон Республикасининг чегаралари фақат унинг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарларнинг ва шаҳарларда туманларнинг чегараларини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгазининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади”;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегараларини белгилаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

тайёргарлик ва дала кузатув ишлари;

чегараларни белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

чегара чизиғини давлат ва WGS-84 координаталар тизимида геоахборот базасида (*.gdb, *.mxd форматида) шакллантириш;

чегара чизиқлари акс эттирилган картографик материаллар тайёрлаш;

чегара чизиғи бурилиш нуқталарининг координаталар каталогини тайёрлаш;

чегара чизиғи тавсифини тузиш;

чегараларни келишиш ва тасдиқлаш”;

17-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“чегара чизиқлари акс эттирилган картографик ва аэро ёки космик суратлар асосида тайёрланган ортофоторежалар ҳамда чегара чизиғи тавсифи ва тегишли масштабдаги топографик хариталар (мавжуд бўлган тақдирда)”;

қуйидаги таҳрирда еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“маъмурий-худудий чегарани амалда ўзгартириш (вақтинча фойдаланиш) тўғрисидаги хужжатлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўртасида алмаштирилган ер участкалари ва ер турларининг майдони ҳамда ердан фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотлар”;

еттинчи хатбоши тегишлича саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

19-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Дала кузатув ишлари жараёнида суғориладиган ҳудудларда 1:10 000 масштабда, бошқа ҳудудларда эса 1:25 000 ва 1:50 000 масштабдаги топографик хариталардан, чегара чизиғининг ҳар икки томонидан тегишлича 500-2 500 метр кенгликда чегара чизиғи туширилган ҳолда кўчирмалар олинади. Янгиланган топографик хариталар мавжуд бўлмаган тақдирда аэро ёки космик суратлар асосида яратилган ортофоторежалардан фойдаланилади”;

24-банд қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Чегараларни белгилашда бурилиш нуқталари координаталари бир-бирига мутаносиб шакллантирилади.

Чегара чизиғи бино ва иншоотлар ҳамда улар жойлашган ер участкаларини кесиб ўтмаслиги керак”;

25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Чегара чизиқларини белгилаш бўйича келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, низоли ҳудудлардаги ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ҳамда ер турлари бўйича қўшимча материаллар тўпланadi, тўпланган материаллар Ишчи орган томонидан чегарадош ҳудудларнинг комиссиялари (келишув асосида) қўшма йиғилишига кўриб чиқиш учун тақдим этилади”;

27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Келишилган чегаралар чизиғини белгилаш мақсадида чегара чизиғи топографик хариталар учун қабул қилинган шартли белгиларга мувофиқ, аэро ёки космик суратларни давлат координаталар тизимига боғлаган ҳолда электрон дастур ёрдамида суғориладиган ҳудудларда 1:10 000, бошқа ҳудудларда 1:25 000 ва 1:50 000 масштабга келтирилган ортофоторежага туширилади, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг тасдиқланган чегара чизиғининг тавсифи топографик харитада ёзилади”;

28-банддаги “1:100 000” рақамлар “1:10 000 - 1:50 000” рақамлари билан алмаштирилсин;

33-банд “Чегара” сўзидан кейин “чизиғининг” сўзи билан тўлдирилсин;

34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“34. Чегара чизиғини тавсифлашда географик объектларнинг номлари топографик харитага мос равишда, автомобиль ва темир йўллар, канал ва зовурлар номлари Географик объектларнинг номлари давлат реестри ва бошқа расмий маълумотларга асосан қабул қилинади”;

35-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“35. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегараларини белгилаш бўйича ишлар якунланганидан сўнг куйидаги хужжатлар Комиссияга кўриб чиқиш учун Ишчи орган томонидан тақдим этилади:

чегара чизиғининг харитаси (фойдаланилган ортофоторежалар илова қилинган ҳолда);

чегара чизиғининг тавсифи;

чегараларни белгилаш бўйича бажарилган дала кузатув ишларининг натижалари юзасидан тузилган далолатномалар ва баённомалар;

чегараларни белгилашга оид материаллар асосида тайёрланган тушунтириш (шарҳ) хати”;

38-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“38. Туман (шаҳар) чегараларини белгилаш куйидагиларни ўз ичига олади: тайёргарлик ва дала кузатув ишлари;

чегара чизиқларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

чегара чизиғини давлат ва WGS-84 координаталар тизимида геоахборот базасида (*.gdb, *.mxd форматида) шакллантириш;

чегара чизиқлари акс эттирилган картографик материаллар тайёрлаш;

чегара чизиғи бурилиш нуқталарининг координаталар каталогини тайёрлаш;

чегара чизиғи тавсифини тузиш;

чегараларни белгилаш ва тасдиқлаш”;

39-банднинг учинчи ва ўнинчи хатбошилари куйидаги тахрирда баён этилсин:

“чегара чизиқлари акс эттирилган картографик ва аэро ёки космик материаллар асосида тайёрланган ортофоторежалар ҳамда чегара чизиғи ёзувли матни тавсифи ва тегишли масштабдаги топографик хариталар (мавжуд бўлган тақдирда);

мавжуд чегаралар ўзгарган тақдирда, туманлар ўртасида алмаштириладиган ёки берилладиган ер участкаларининг ва ер турларининг майдони ҳамда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар тўғрисида маълумотлар тайёрланади”;

40-бандда:

учинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Дала кузатув натижалари асосида чегара чизиқларини тасдиқлаш мақсадида туманларнинг чегара чизиғи 1:25 000 масштабдаги, шаҳарларнинг чегара чизиғи 1:10 000 масштабдаги топографик хариталарга туширилади. Маъмурий чегара тавсифи давлат координаталар тизими асосида топографик элементларга боғланган ҳолда тузилади”;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Янгиланган топографик хариталар мавжуд бўлмаган тақдирда, туманларнинг чегара чизиғи аэро ёки космик суратлар асосида тайёрланган ортофоторежага туширилади”;

41-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Келишилган чегара чизиғини белгилаш мақсадида унинг аэро ёки космик суратларини давлат координаталар тизимига боғлаган ҳолда электрон дастур ёрдамида туман чегараси 1:25 000 масштабдаги, шаҳарларда 1:2 000 масштабга келтирилган ортофоторежага туширилади, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг тасдиқланган чегара чизиғининг тавсифи топографик харитадан ёзилади. Шаҳарлар бўйича топографик хариталар мавжуд бўлмаган тақдирда, аэро ёки космик суратлар ёрдамида тайёрланган ортофоторежалардан фойдаланилади”;

46-банддан “архитектура ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“48. Шаҳарчалар, қишлоқлар (овуллар) чегараларини белгилаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

тайёргарлик ва дала кузатув ишлари, чегараларни белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

чегара чизиғини давлат ва WGS-84 координаталар тизимида геоахборот базасида (*.gdb, *.mxd форматида) шакллантириш;

чегара чизиқлари акс эттирилган картографик материаллар тайёрлаш;

чегара чизиғи бурилиш нуқталарининг координаталар каталогини тайёрлаш;

чегара чизиғи тавсифини тузиш, чегараларни келишиш ва тасдиқлаш”;

50-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“мавжуд чегаралар ўзгарган тақдирда, шаҳарча, қишлоқ ва овуллар ўртасида алмаштириладиган ёки бериладиган ер участкаларининг ва ер турларининг майдони ҳамда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар тўғрисида маълумотлар тайёрланади”;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишлича еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

52-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Топографик хариталар мавжуд бўлмаган тақдирда, аэро ёки космик суратлар асосида тайёрланган ортофоторежада акс эттирилиши мумкин”;

53-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Чегараларни белгилаш жараёнида ҳар бир шаҳарча, қишлоқ (овул) бўйича чегаралар кўшни маъмурий-ҳудудий бирликлар ажратиб кўрсатилган ҳолда тавсифланади. Чегара чизиғи тавсифида улар бўйича чегара белгиланадиган табиий ва сунъий объектлар номлари, чегара чизиғи йўналиши ва масофаси келтирилади, чегара чизиғининг бурилиш нуқталари координаталари кўрсатилади”;

55-банддан “архитектура ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

56-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“картографик (ортофоторежа, рақамли топографик харита ва тасдиқланган қоғоз шаклидаги харита) материал ва чегара чизиғи матни тавсифи, чегара бурилиш нуқталари координаталар каталоги”;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“чегара чизиғини давлат ва WGS-84 координаталар тизимида геоахборот базаси (*.gdb, *.mxd форматида)”;

тўртинчи – саккизинчи хатбошилар тегишлича бешинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

57 ва 58-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш юзасидан уч нусхада йиғмажилд тайёрланади, биринчи (асл) нусха бажарувчи ташкилот томонидан Кадастр агентлигининг Давлат картография-геодезия фондига доимий сақлаш учун тақдим қилинади, иккинчи нусхаси маъмурий-ҳудудий бирликларнинг навбатчи харитасини юритиш учун Республика аэрогеодезия марказига ва учинчи нусхаси фойдаланиш учун Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига топширилади.

Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш юзасидан тайёрланган электрон рақамли ортофоторежа материаллари Кадастр агентлигининг Республика аэрогеодезия марказида давлат ер кадастрига оид ахборот тизимини шакллантириш, юритиш ва доимий янгилаб бориш мақсадида жамланади”;

в) 2-иловада:

2-бандда:

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“кўп йиллик дов-дарахтлар – боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар билан банд бўлган ерлар;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегара чизиғининг тавсифи – чегара бурилиш нуқтасининг координаталари ва чегара чизиғининг йўналишига оид маълумотларни тизимли равишда ёзувли матн шаклида таърифлаш”;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**ортофоторежа** – аэрокосмик суратларни фотограмметрик усулда аниқ геодезик асосга (координата ва баландлик бўйича) боғлаб тайёрланган фоторежа”;

6 ва 7-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ер ресурсларини хатловдан ўтказишда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг жойлашган ер участкаси, чегаралари, ер майдони, ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши ҳамда бошқа тавсифларига аниқлик киритилади.

7. Иш турининг мақсади ва йўналишидан келиб чиқиб, маъмурий–худудий бирликлар чегарасида кадастр ҳисобини юритиш мақсадида:

қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар;

аҳоли пунктларининг ерлари;

фойдали қазилмалар қазишда геологик қидирув, курилиш ва бошқа ишларни бажаришда бузилган ерлар;

саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;

табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;

тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;

ўрмон фонди ерлари;

сув фонди ерлари ва захира ерлар хатловдан ўтказилади”;

9-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

11-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ишлари туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан мувофиқлаштириб борилади”;

13-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ер ҳисобини юритиш материаллари, мавжуд электрон рақамли хариталар; хўжалик юритувчи субъектларнинг мавжудлиги, улар фойдаланаётган ер участкалари тўғрисида маълумотлар”;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“аэро ва космик суратлар асосида яратилган ортофоторежалар ва картографик материаллар”;

14-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“14. Ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ишлари учун космик ва аэро суратлардан фойдаланган ҳолда тайёрланган рақамли ортофоторежалар асосида дешифровка ишлари амалга оширилади. Бунда космик ва аэро суратлар давлат координаталар тизимига боғлаб чиқилади ва электрон дастур ёрдамида: суғориладиган ҳудудларда 1:10 000, бошқа ҳудудларда 1:25 000, 1:50 000 масштабларда, келтирилган ортофоторежа электрон варианты тайёрланади ҳамда маъмурий–ҳудудий бирликлар тасдиқланган чегара чизиғи туширилади”;

15-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Туман (шаҳар)нинг янгиланган яхлит электрон рақамли харитаси давлат ва WGS-84 координаталар тизимида (*.gdb, *.mxd форматида) тайёрланади”;

16-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари куйидаги тахрирда баён этилсин:

“16. Туман (шаҳар)нинг электрон рақамли хариталари яратилгандан сўнг ер турлари ва майдонлари контурлар кесимида ҳисоблаш қайдномаси (янги ва олдинги контур рақамларини кўрсатган ҳолда) ушбу Низомга 2–иловадаги шаклга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади. Бунда туманлар (шаҳарлар) бўйича ер ресурслари контур рақамлари такрорланмайдиган тартиб рақами бўйича белгиланади ва ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар томонидан яхлит контур ичида хўжалик фаолияти учун ички ариқ, дала йўли, қаторлаб кўп йиллик дов-дарахтлар ёки вақтинча дала чеклари барпо қилинган бўлса, алоҳида контур рақамлари берилиши йўл қўйилмайди ва контур яхлитлиги бўйича рақам берилади.

Ушбу ерларни экин ери сифатида қолдириш мақсадида таклифлар тайёрланади. Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари, туман қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда сув хўжалиги бўлими биргаликда контурларни қўшиш ёки бўлиш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиқади”;

17-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“17. Туман (шаҳар)нинг электрон рақамли хариталари асосида ер эгалари, фойдаланувчилар, ижарачилар, ер участкалари мулкдорларининг ҳуқуқий ҳужжати бўйича фойдаланаётган ер участкалари чегаралари ва ер турлари бўйича туширилиши ўрганилади ва таҳлил қилинади.

Ўрганиш ва таҳлил жараёнида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг ер ва майдонларида ноаниқликлар ва бошқа ҳолатлар юзага келганда дала кузатув ишлари амалга оширилади”;

19-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“19. Дала кузатув жараёнида электрон рақамли ёки қоғоз кўринишидаги ортофоторежаларда куйидагилар акс эттирилади:

маъмурий ҳудудий чегаралар;

ер фонди тоифалари ва ер турлари ҳамда уларнинг чегаралари;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар, ер участкалари мулкдорларининг амалда фойдаланаётган ер участкалари чегаралари ва ер турлари ҳамда уларнинг фойдаланишида бўлмаган ер турлари;

аҳоли пунктлари чегараларида ер турлари бўйича жамоатчилик ерлари, умрбод эгалик ҳуқуқига эга бўлган деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ер участкалари;

жойнинг янги топографик элементлари, шунингдек, янги қурилиш объектлари”;

21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Ўтказилган хатлов натижаларига кўра, маъмурий–худудий бирлик бўйича:

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар бўйича контурлар бўйича ҳисоблаш қайдномаси (ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг СТИР ёки ЖШШИР рақамлари, янги ва олдинги контур рақамларини ҳамда ер ҳисоботиغا нисбатан хатловда ер турлари ва тоифаларининг ўзгаришларини аниқ кўрсатган ҳолда) 3-иловага мувофиқ;

аниқланган ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатлари бўйича маълумотлар 4-иловага мувофиқ тузилади”;

22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг расмий ҳужжатлар ва амалда фойдаланишида бўлган ер майдонлари ўртасидаги фарқлар, шунингдек, ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ўрганилади”;

24–26-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Ҳар бир маъмурий–худудий бирлик бўйича ер ресурсларини хатловдан ўтказиш натижалари бўйича қуйидаги таркибда ҳужжат ва материаллар шакллантирилади:

тушунтириш хати (келгусида ердан самарали фойдаланишга қаратилган ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар);

ер ресурсларини контурлар бўйича ҳисоблаш қайдномаси;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар бўйича контурлар ҳисоблаш қайдномаси;

қоғоз шаклда контурлар чегаралари ва ер турлари кўрсатилган янгиланган қишлоқ хўжалиги харитаси ҳамда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг ер участкалари чегаралари кўрсатилган ҳолда ерларни хатловдан ўтказиш харитаси (ўзбошимчалик билан эгалланган ерлар ва ноқонуний қурилмалар билан бирга);

электрон шаклда давлат ва WGS-84 координаталар тизимида (*.gdb, *.mxd форматида) туманнинг яхлит янгиланган қишлоқ хўжалиги харитаси (ер турлари кўрсатилган ҳолда контурлар чегаралари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг ер участкалари чегаралари, ўзбошимчалик билан эгалланган ерлар ва ноқонуний қурилмалар чегаралари алоҳида қатламларда).

25. Туман (шаҳар) чегараларида ер ресурсларини хатловдан ўтказиш материаллари умумлаштирилиб, туман (шаҳар) ҳокимлиги қарори лойиҳаси илова қилинган ҳолда туман (шаҳар) ҳокимлигига кўриб чиқиш учун топширилади.

Ер ресурсларини хатловдан ўтказиш натижалари бўйича расмийлаштирилган баённомалар белгиланган тартибда 10 кун муддатда туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан тасдиқланади.

Тақдим этилган материаллар туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан асосланган эътирозлар билан қайтарилса, ижрочи 5 кун муддатда камчиликларни бартараф этиб қайта тақдим этади.

Туман (шаҳар) ҳокими ер ресурсларини хатловдан ўтказиш яқунлари бўйича қабул қилинган қарорни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тасдиқлаш учун тақдим этади.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ер ресурсларини хатловдан ўтказиш материалларини кўриб чиқади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ер ресурсларини хатловдан ўтказиш яқунларини ушбу ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича қарор билан тасдиқлайди ва қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўради”;

28-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“29. Давлат кадастрлари палатаси, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) филиаллари ер ресурсларини хатловдан ўтказиш материаллари асосида белгиланган тартибда ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга тегишли ўзгартиришлар киритади, яратилган электрон рақамли хариталар ва контурлар қайдномасидан келгусида амалда фойдаланишни ташкил этади”;

30-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

31 ва 32-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“31. Ер ресурсларини хатловдан ўтказиш юзасидан уч нусхада йиғмажилд тайёрланади, биринчи (асл) нусха бажарувчи ташкилот томонидан Кадастр агентлигининг Давлат картография-геодезия фондига доимий сақлаш учун тақдим қилинади, иккинчи нусхаси навбатчи харитани юритиш учун Республика аэрогеодезия марказига ва учинчи нусхаси фойдаланиш учун Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига юборилади.

32. Ер ресурсларини хатловдан ўтказиш юзасидан тайёрланган электрон рақамли ортофоторежа материаллари Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасида давлат ер кадастрига оид ахборот тизимини шакллантириш, юритиш ва доимий янгилаб бориш мақсадида жамланади”;

Низомга 2-илованинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ер турлари ва майдонларини контурлар буйича ҳисоблаш
ҚАЙДНОМАСИ

Контур рақами	Эски контур рақами	Ягона контур рақами	Ер тоифаси	Умумий майдон (га)	Шундан																																				
					хайдаладиган ерлар				боғлар				тоқзорлар				бўз ерлар	Шундан	жайловлар	жами қишлоқ хўжалик ерлари	томорка ерлар	ўрмонзорлар	сув ости ерлари																		
					жами	шу жумладан, сугориладиган	шундан шартли сугориладиган	шундан исикхоналар	жами	шу жумладан, сугориладиган	шундан шартли сугориладиган	лалми	жами	шу жумладан, сугориладиган	шундан шартли сугориладиган	лалми							тутзорлар	мевали кўчатзорлар	теракзорлар	сугориладиган	лалми	пичанзорлар	жами	шу жумладан, сув билан таъминлангани	жами	шу жумладан, сугориладиган	жу жумладан, даладгиси	мелiorатив ҳолати тикланмаган ерлар	жами	шу жумладан:	икота дарахтзорлари	бугазорлар	жами	дарё ва сойлар	кўллар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42

Иш бажарувчи ташкилот раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.

Кадастр агентлиги туман (шаҳар) бўлими бошлиғи

(имзо)

Ф.И.О.

Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар) филиали бошлиғи

(имзо)

Ф.И.О”;

Низомга 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ердан фойдаланувчиларнинг ер турлари ва майдонларини контурлар бўйича ҳисоблаш

ҚАЙДНОМАСИ

Т/р	Ердан фойдаланувчилар номи	Солиқ тўловчинининг идентификация рақами	Йўналиши	Контур рақами	Эски контур рақами	Ягона контур рақами	Ер тоифаси	Умумий майдон (га)	шу жумладан:											тутзорлар		
									хайдаладиган ерлар				боғлар				токзорлар					
									шу жумладан, суғориладиган				лалми	жами	шу жумладан, суғориладиган		лалми	жами	шу жумладан, суғориладиган		лалми	
									жами	жами	шундан, шартли суғориладиган	шундан, иссиқхоналар			жами	шундан, шартли суғориладиган		жами	шундан, шартли суғориладиган			
1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.	8.	9.	10.	11.	12.	13.	14.	15.	16.	17.	18.	19.	20.	21.	22.	23.
1. Фермер хўжаликлари																						
2. Бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари																						
3. Бошқалар																						

давоми

мева кўчатзорлар	терахзорлар	бўз ерлар		пичанзорлар	яйловлар		жами қишлоқ хўжалиги ерлари		томорқа ерлар		мелиоратив ҳолати тикланадиган ерлар	ўрмонзорлар			сув ости ерлари					кўчалар, курилишлар, сарой ва майдонлар	қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	
		суғориладиган	лалми		жами	шу жумладан, сув билан таъминланган	жами	шу жумладан, пичанзорлар	жами	шу жумладан, даладаги		жами	ихота дарахтзорлари	бўтазорлар	жами	дарё ва сойликлар	кўллар	сув омборлари ва сув ҳавзалари	каналлар ва ариқлар, коллектор ва зовурлар			
																						йўллар ва мол хайдаб ўтиш жойлари
		24.	25.		26.	27.	28.	29.	30.	31.		32.	33.	34.	35.	36.	37.	38.	39.			40.
1. Фермер хўжаликлари																						
2. Бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари																						
3. Бошқалар																						

Иш бажарувчи ташкилот раҳбари (имзо)
Кадастр агентлиги туман (шаҳар) бўлими бошлиғи (имзо)
Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар) филиали бошлиғи (имзо)

Ф.И.О.
Ф.И.О.
Ф.И.О”;

Низомга 4-илованинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Хатлов натижалари бўйича ердан фойдаланиш борасида аниқланган қонун бузилишлари юзасидан

МАЪЛУМОТ

Т/р	Ердан фойдаланувчилар номи	Солиқ тўловчининг идентификация рақами	Контур рақами	Эски контур рақами	Ягона контур рақами	Ер тойфаси	Ер майдони (га)	Ер турлари				Аниқланган ер тўғрисидаги қонун бузилиши турлари						Фойдаланиш ҳолати					Изоҳ		
								экин ерлар		кўп йиллик дарахтзорлар	яйловлар	бошқалар	уй-жой қуриш	қурилишлар қуриш	кўп йиллик дарахтзорлар экиш	Ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш	ерларни яроқсиз ҳолга келтириш	бошқа ҳолатлар	экин экиб фойдаланмасдан турган майдон	фойдаланилмаслик сабаби					
								суғориладиган	лалми											сув билан таъминланмаган	кучли шўрланган	ботқоқлашган		шағалли	бошқалар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26

Иш бажарувчи ташкилот раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.

Кадастр агентлиги туман (шаҳар) бўлими бошлиғи

(имзо)

Ф.И.О.

Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар) филиали бошлиғи

(имзо)

Ф.И.О”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-бандда:

ўнинчи хатбошидаги “дарахтларнинг” сўзи “дов-дарахтларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилардаги “экинлар” сўзи “дов-дарахтлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“кўп квартирали уй қурилган ва унга туташ ер участкасига бўлган ҳуқуқ қурувчи ёки буюртмачидан кўп квартирали уйдаги жой мулкдорларига ўтишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун – қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан (кўп квартирали уйдан) фойдаланиш учун рухсатнома”;

в) 34-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан (кўп квартирали уйдан) фойдаланиш учун рухсатнома ушбу уйдаги жой мулкдорининг умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини, шунингдек, қурувчи ёки буюртмачининг умумий мол-мулк таркибига кирмайдиган, кейинчалик реализация қилинадиган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган (нотурар) жойларга мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади”;

г) 5-бобнинг номидаги “экинларга” сўзи “дов-дарахтларга” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 48-банддаги “экинларга” сўзи “дов-дарахтларга” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 49–51-бандлардаги тегишли келишиқдаги “дарахтлар” сўзи тегишли келишиқдаги “дов-дарахтлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 52-бандда:

тўртинчи ва еттинчи хатбошилардаги “экинлар” сўзи “дов-дарахтлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “дарахтлар” сўзи “дов-дарахтлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “экинларнинг” сўзи “дов-дарахтларнинг” сўзлари билан, “дарахтларни” сўзи “дов-дарахтларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги тегишли келишиқдаги “экинлар” сўзи тегишли келишиқдаги “дов-дарахтлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 53-банддаги тегишли келишиқдаги “экинлар” сўзи тегишли келишиқдаги “дов-дарахтлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

л) Низомга 1-иловада:

4, 4.1 ва 4.5-позициялардаги тегишли келишиқдаги “экинлар” сўзи тегишли келишиқдаги “дов-дарахтлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

4.10-позициядаги “дарахтлар” сўзи “дов-дарахтлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

м) Низомга 2-илованинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги
Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси**

**Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан
ўтказилганлиги тўғрисида давлат реестридан
КЎЧИРМА**

20__ й. “___” _____ № _____

20__ й. “___” _____ да келиб тушган 20__ й. “___” _____ даги буюртма асосида маълум қиламизки, Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига куйидагиларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида ёзув киритилган:

1. Кўчмас мулк объекти	
Кўчмас мулк объекти тури	
Кўчмас мулк объектининг номи	
Кадастр рақами	
Жойлашган жойи	
Реестрининг тартиб рақами	
2. Рўйхатдан ўтказилди	
Ҳуқуқ эгаси	
СТИР	
2.1. Ер участкаси	
Ҳуқуқ тури, жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқдаги улуши	
Ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси	
Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат реквизитлари	
2.2. Бино ва иншоотлар	
Ҳуқуқ тури	
Ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси	
Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат реквизитлари	
2.3. Кўп йиллик дов-дарахтлар	
Дарахтлар сони, дона	
Ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси	
Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат реквизитлари	
3. Бошқа маълумотлар	

3.1. Хужжат бўйича майдон, (га)	
3.2. Амалдаги майдон, (га)	
3.3. Давлат рўйхатидан ўтказилган бино ва иншоотлар майдони, (кв.м.)	
3.4. Тақиқ, хатлов ёки чекловлар мавжудлиги	
Ипотека, бино ва иншоотлар, шунингдек, ер участкасига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномалар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги	
Бинолар ва иншоотлар ёки уларнинг қисмлари бўйича ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги	
4. Қўшимча маълумотлар	

Рўйхатдан ўтказувчи: _____

Агар сизда кўчирманинг ҳақиқийлигини текшириш зарурати юзага келса, пастки чап бурчакдаги QR-кодни сканерланг.

QR-код „

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорида:

а) 1-бандда:

олтинчи хатбошидаги “мувофиқ тасдиқлансин” сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 5а-иловага мувофиқ;

Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 5б-иловага мувофиқ;

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 5в-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

б) 1-илованинг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Кадастр паспортининг шакллари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ турлар бўйича белгиланади”;

в) 3-илованинг 2-банди биринчи хатбошисидаги “ортиқ” сўзи “кам бўлмаган” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-иловада:

3-банднинг унинчи хатбошиси “мувофиқ” сўзидан кейин “намунавий” сўзи билан тўлдирилсин;

5-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (кейинги ўринларда – Палата) ер участкаси бўйича ўрнатилган сервитутни давлат рўйхатидан ўтказиш ва Реестрдан кўчирма тақдим этади”;

6-банддаги “Марказ” сўзи “Палата” сўзи билан алмаштирилсин;

12-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“12. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

10 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағларнинг 80 фоизи Палата ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича Палатанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

10 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағларнинг 80 фоизи Палата ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича Палатанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади”;

15, 17 ва 19-бандлардаги тегишли келишиқдаги “Марказ” сўзи тегишли келишиқдаги “Палата” сўзи билан алмаштирилсин;

Маъмурий регламентга 1-илованинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

**“Ер участкасида сервитут ўрнатиш
тўғрисида намунавий келишув**

_____ ш. 20__ йил “__” _____

(ер участкаси ҳуқуқ эгасининг номи)

Ер участкасининг ҳуқуқ эгаси (кейинги ўринларда – ҳуқуқ эгаси),
бир тарафдан, ва _____

(сервитут ўрнатилишидан манфаатдор шахс номи)

сервитут ўрнатилишидан манфаатдор (кейинги ўринларда – манфаатдор шахс)
иккинчи тарафдан, биргаликда “Тарафлар” деб аталувчилар ушбу келишувни
куйидагилар ҳақида тузди:

1. Келишув предмети

1.1. Ер участкаси ҳуқуқ эгасига

(ҳужжат номи, берилган санаси ва рақами)

ҳуқуқи билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

1.2. Ер участкасининг манзили _____

(ер участкасининг тўлиқ манзили кўрсатилади)

1.3 Сервитут куйидаги мақсадларда белгиланади: _____

(сервитутнинг мақсади кўрсатилади)

1.4. Умумий майдони _____ кв м.га тенг бўлган ер участкасининг
сервитут ўрнатилаётган қисмининг умумий майдони ___ кв м.ни ташкил
этади.

1.5. Сервитут ўрнатилиши натижасида ердан фойдаланишни чеклаш:

*(ҳуқуқ эгаси томонидан ер участкасидан фойдаланишида юзага келадиган чекловлар
кўрсатилади)*

1.6. Ер участкаси бўйича ўрнатилган сервитут бўйича келишилган
схемаси илова қилинади ва ушбу схема келишувнинг ажралмас қисми
ҳисобланиб, ер участкасининг чегаралари, сервитут чегаралари ва қўшни
ердан фойдаланувчиларнинг номлари кўрсатилади.

1.7. Ушбу келишув бўйича сервитут давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

1.8. Сервитут ва ушбу келишув 20__ йил “__” _____ га қадар амал қилади.

1.9. Манфаатдор шахс томонидан ер участкасининг бир қисмидан чекланган тарзда фойдаланиши (сервитут) учун йиғим миқдори:

(тўлов миқдори ва уни амалга ошириш муддати, тўловни амалга ошириш шартлари ёки тўловнинг мавжуд эмаслиги кўрсатилади)

1.10. Ер участкасининг ҳуқуқ эгаси ўзгарган тақдирда, сервитут бериш шартлари, шу жумладан, келишув бўйича тўлов миқдори сақлаб қолинади.

2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ер участкасининг ҳуқуқ эгаси қуйидагиларга мажбур:

сервитут давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб манфаатдорга ушбу келишувнинг 1.2-бандида кўрсатилган ер участкасининг ушбу келишувнинг 1.4-бандида кўрсатилган майдонидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш;

ушбу келишувнинг 1.5-бандида кўрсатилган ер участкасидан фойдаланишдаги чекловларга риоя қилиш;

манфаатдор шахсга сервитутдан мақсадли фойдаланишга тўсқинлик қилмаслик;

ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда, уни лозим даражадаги ҳолатда сақлаш учун ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан уни йиғиштириш, қўриқлаш, таъмирлаш ва унга бошқача тарзда хизмат кўрсатиш;

учинчи шахслар билан ер участкасига нисбатан сервитут белгилаш тўғрисида келишув тузиладиган тақдирда, ушбу масалани манфаатдор шахс билан ёзма шаклда келишиш.

2.2. Ер участкасининг ҳуқуқ эгаси қуйидагиларга ҳақли:

манфаатдор томонидан сервитутдан мунтазам равишда ушбу келишувга асосан белгиланган мақсадларда фойдаланилмаган тақдирда, ушбу келишувни бекор қилишни талаб қилиш;

сервитут ташкил этилган асослар бекор қилинган тақдирда, манфаатдор шахсни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш орқали ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш;

ўз вақтида тўланмаган сервитут учун тўловни ундириш учун судга мурожаат қилиш;

манфаатдор шахс ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланганлик (сервитут) учун мазкур келишувнинг 1.9-бандида кўрсатилган миқдор ва муддатларда ҳақ тўламаса, манфаатдор шахсни шартномани бекор қилиш ҳақида огоҳлантириш, манфаатдор томондан рад жавобини олганда ёки қонунда ёхуд шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин талабни судга тақдим этиш.

2.3. Манфаатдор куйидагиларга мажбур:

ер участкасининг ҳуқуқ эгаси билан биргаликда сервитутни кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органда давлат рўйхатидан ўтказиш;

сервитутдан фақат ушбу келишувга асосан белгиланган мақсадларда фойдаланиш;

сервитут ўрнатилган ер участкасидан фойдаланишда, ушбу келишувнинг 1.4-бандида кўрсатилганидан ташқари, ҳуқуқ эгасига қўшимча чекловлар яратмаслик;

сервитут ўрнатилишига асос бўлган ҳаракатларни жамоат эҳтиёжлари учун мўлжалланган бошқа ер участкаси орқали амалга ошириш имконияти пайдо бўлган тақдирда, ер участкаси ҳуқуқ эгасининг биринчи талабига кўра сервитутдан фойдаланишни тўхтатиш;

учинчи шахслар билан ушбу ер участкасига нисбатан сервитут белгилаш тўғрисида келишув тузиш масаласини келишиш юзасидан ер участкасининг ҳуқуқ эгасидан хабарнома олинган тақдирда, шундай хабарнома олинган пайтдан бошлаб _____ кун ичида ёзма равишда жавоб бериш.

2.4. Манфаатдор шахс куйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу шартноманинг 1.3-бандида назарда тутилган сервитут мақсадларидаги ҳаракатларни амалга ошириш;

сервитут ўрнатилишига асос бўлган ҳаракатларни жамоат эҳтиёжлари учун мўлжалланган бошқа ер участкаси орқали амалга ошириш имконияти пайдо бўлган тақдирда, шартнома талабларини тўлиқ бажарган тартибда, шартномада бундай талаблар келтирилмаган тақдирда, тарафларнинг ўзаро келишуви асосида сервитутдан фойдаланишни тўхтатиш.

3. Сервитут амал қилишини бекор қилиш ҳоллари

3.1. Ушбу келишув билан белгиланган сервитутнинг амал қилиши куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

сервитут ўрнатилиши сабаби (мақсади) тугаганда;

манфаатдор шахс ва ер участкасининг ҳуқуқ эгаси битта шахс бўлиб қолганда;

манфаатдор шахс сервитутдан воз кечганда, бунинг учун сервитут бекор қилинишидан _____ кун олдин ер участкаси ҳуқуқ эгасига ёзма хабарнома юбориши зарур;

кетма-кет _____ йил мобайнида сервитутдан фойдаланилмаганда;

манфаатдор шахс ер участкасидан чекланган фойдаланганлик (сервитут) учун ҳақ тўлашни рад этган тақдирда;

сервитут битимида белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадда фойдаланиш.

4. Форс-мажор ҳолатлари

4.1. Тарафлар бир-бирларини форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тўғрисида улар юзага келган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида хабардор қилиши керак.

4.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда, ушбу келишув бўйича мажбуриятларни бажариш муддати шундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари амалда бўлган даврга кўчирилади.

5. Яқунловчи қоидалар

5.1. Ушбу келишувга ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилади ва шартлашаётган Тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади.

5.2. Ушбу келишув бўйича низолар Тарафлар томонидан музокаралар йўли билан ҳал этилади, келишувга эришишнинг имкони бўлмаганда эса – суд орқали ҳал этилади.

6. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Ер участкасининг ҳуқуқ эгаси

Манфаатдор шахс

Манзил:

Манзил:

СТИР (жисмоний шахс бўлганда
ЖШШИР):

СТИР (жисмоний шахс бўлганда
ЖШШИР):

Банк ҳисоб рақами:

Банк ҳисоб рақами:

М.Ў.

М.Ў”;

Маъмурий регламентга 2-илованинг 2 ва 3-позициялари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	Сўровномани Палатага юборди	Сўровнома тўлдирилиши билан
3-босқич	Палата	1. Сервитутни рўйхатдан ўтказди, тегишли реестрдан кўчирмани расмийлаштиради ва уни ваколатли органга юборди.	1 иш куни мобайнида

		2. Сервитутни рўйхатдан ўтказишни рад этади.	
--	--	--	--

”;
”;

д) 5-иловада:

13-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“13. Палата сўровнома тушган ва тўлов амалга оширилган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклда QR-код (штрихли код) кўйилган маълумотномани расмийлаштиради ва Давлат хизматлари марказларига ёки давлат органларига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёхуд ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборади”;

Маъмурий регламент куйидаги мазмундаги 3-илова билан тўлдирилсин:

“Фуқароларнинг номида шахсий турар жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 3-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси

№ _____
Хужжат яратилган сана: _____
Ариза рақами: _____

Хужжат берилган: Ф.И.О.
Қабул қилувчининг
идентификация рақами:

Фуқароларнинг номида шахсий турар жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида

МАЪЛУМОТНОМА

Фуқаронинг 20__ “__” ____ даги __ сон аризасига асосан, 20__ “__” ____ ҳолатига Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестрида куйидаги маълумотлар мавжуд:

№	Ф.И.О.	Олдинги Ф.И.О.	Турар жой	Ҳуқуқ тури	Кадастр рақами
1.					

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ

шакллантирилган электрон хужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон хужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун gero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон хужжатнинг мобил телефон ёрдамида QR-кодини сканер қилинг.

Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон хужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон хужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.



е) қуйидаги мазмундаги 5а–5в-иловалар билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорига
5а-илова

Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент юридик ва жисмоний шахсларнинг кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш кўп йиллик дов-дарахтларнинг турлари, сони ва улар эгаллаган майдон тўғрисидаги маълумотларни кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига (кейинги ўринларда – Реестр) киритиш орқали амалга оширилади.

Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқларнинг юзага келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини қамраб олади.

Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу кўп йиллик дов-дарахтлар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқининг юзага келиши Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи хужжатлар асосида давлат рўйхатидан ўтказилади.

3. Қўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқларининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда бекор қилиниши ва чекланиши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Қўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши учун қуйидагилар асос бўлади:

халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарори ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкаларини уларда жойлашган қўп йиллик дов-дарахтлар билан бирга жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисидаги қарори;

қўп йиллик дов-дарахтларнинг олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, қўп йиллик дов-дарахтларнинг рента тўлаш шарти билан бошқа шахсга ўтиши назарда тутилган, нотариал тасдиқланган шартномалар;

қўп йиллик дов-дарахтларни йўқ қилиш тўғрисида мулкдорнинг қарори;

қўп йиллик дов-дарахтларнинг табиий офатлар натижасида барҳам топганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

суд қарори ёки давлат ижрочисининг қарори ёхуд ундирувчи ва қарздор ўртасида қўп йиллик дов-дарахтларни бериш тўғрисида давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган далолатнома.

Ҳуқуқнинг бекор бўлиши қўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларнинг бекор бўлгани тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритиш йўли билан рўйхатдан ўтказилади.

Қўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқининг чекланишини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

қўп йиллик дов-дарахтлар хатлаб қўйилгани тўғрисидаги хабарнома;

қўп йиллик дов-дарахтларнинг бошқа шахсга ўтказилишини тақиқлаш тўғрисидаги хабарнома;

қўп йиллик дов-дарахтлар ипотекаси тўғрисидаги шартнома.

Ҳуқуқларнинг чекланиши қўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритиш йўли билан рўйхатдан ўтказилади.

4. Ижарага олинган ер участкасида яратилган қўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу қўп йиллик дов-дарахтлар жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам бошқа шахсга ўтади.

5. Қўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда – Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари) томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

6. Давлат хизматлари марказлари ва Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармалари ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон тизим ёрдамида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматлари кўрсатиш тартиби

7. Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

8. Юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ваколатли вакиллари (кейинги ўринларда – ариза берувчи) кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқи юзага келганда, бошқа шахсга ўтганда, бекор қилинишида, чекланганда давлат рўйхатидан ўтказиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

9. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари марказлари ходими – ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда мустақил тўлдиради. Учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда, сўровномага белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома илова қилинади.

Аризада кўп йиллик дов-дарахтлар ўсадиган ер участкасининг кадастр рақами кўрсатилади ҳамда кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Давлат хизматлари марказлари томонидан ариза берувчилардан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

10. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи томонидан сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

11. Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган тўлов миқдорлари Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорига асосан белгиланади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, белгиланган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизмати учун йиғимни ундириш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

12. Йиғимлар суммаси куйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағларнинг 80 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағларнинг 80 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳисобварағига ўтказилади.

13. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилгунига қадар уни кўрсатишдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

14. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари марказлари ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқланганидан сўнг барча ҳужжатлар реал вақт режимида тегишлилиги бўйича Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг бошқармаларига электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда тегишлилиги бўйича Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг бошқармаларига юборилади.

15. Куйидагилар кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ҳужжатларни лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этиш;

кўп йиллик дов-дарахтлар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги;

кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги;

кўп йиллик дов-дарахтларнинг бирламчи кадастр йиғмажилдининг (кадастр паспорти) мавжуд эмаслиги;

давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу кўчмас мулк объектининг мансублиги масаласида низолар борлигидан далолат берувчи суд ҳужжатларининг мавжудлиги;

ваколатли орган томонидан кўчмас мулк объектига тақиқ ёки хатлов кўйилганлиги;

рўйхатдан ўтказувчи томонидан ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўхтатиб турилган ҳолларда, тақдим этилган материаллардаги камчиликларнинг уч иш куни мобайнида бартараф этилмаслиги;

ҳуқуқларнинг юзага келишини белгиламайдиган ҳужжатларнинг тақдим этилиши;

давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик (бунда давлат хизматидан фойдаланиш учун хабарномада кўрсатилган тўлов миқдори бир ой мобайнида тўланмаган буюртмалар автоматик рад этилади).

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан рўйхатдан ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас деган ваз билан рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл кўйилмайди.

Ариза берувчи рўйхатдан ўтказиш рад этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғимни тўламасдан қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

16. Давлат кадастрлари палатасининг бошқармалари сўровнома тушгандан сўнг икки иш куни мобайнида кўп йиллик дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш, кўп йиллик дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида QR-код (штрихли код) кўйилган Реестрдан кўчирмани электрон шаклда расмийлаштиради ва Давлат хизматлари марказларига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборади.

17. Давлат хизматлари марказлари Реестрдан кўчирма тушгандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Давлат хизматлари марказлари ходими ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, ариза берувчининг сўровига кўра, унга Реестрдан кўчирмани электрон шаклда ёки қоғоз шаклда бериши мумкин.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Давлат хизматлари марказлари ва Давлат кадастрлари палатасининг бошқармалари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари мазкур Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

20. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

21. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини
давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат
хизматлари кўрсатиш маъмурий регламентига
1-илова

**Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан
ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади.	Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқига эга бўлган кундан бошлаб 1 ой мобайнида
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	Аризани Давлат кадастрлари палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига юборади	Сўровнома тўлдирилиши билан
3-босқич	Давлат кадастрлари палатасининг бошқармалари	1. Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш, Реестрдан кўчирмани расмийлаштиради ва уни Давлат хизматлари марказларига юборади. 2. Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишни рад этади.	2 иш куни мобайнида
4-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	QR-код (штрихли код) қўйилган Реестрдан кўчирмани ариза берувчининг электрон манзилига жўнатади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Ўзи келиб мурожаат қилганда Реестрдан кўчирмани ариза берувчига беради.	Реал вақт режимида

Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини
давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат
хизматлари кўрсатиш маъмурий регламентига
2-илова

(сана)

(рақами)

Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан
ўтказиш тўғрисида
СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:

1. Ф.И.О.:	
2. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами):	
3. ЖШШИР:	
4. Яшаш манзили:	
5. Телефон рақами:	
6. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

II. Ариза берувчи – юридик шахс тўғрисида маълумот:

1. Тўлиқ номи:	
2. СТИР:	
3. Жойлашган жойи:	
4. Телефон рақами:	
5. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

III. Кўчмас мулк объекти тўғрисида маълумот:

1. Кўп йиллик дов-дарахтлар ўсадиган ер участкасининг кадастр рақами:	
2. Ер участкасининг манзили (индекс, манзил, мўлжал):	

IV. Сўровномага илова:

1. Кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар	
---	--

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорига
5б-илова

**Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида
маълумотнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда – ариза берувчи) бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида маълумотнома (кейинги ўринларда – маълумотнома) бериш тартибини белгилайди.

2. Маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (кейинги ўринларда – Палата) томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ҳамда “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонунлари талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилади.

3. Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида маълумотномада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

бино ва иншоотларнинг жойлашган манзили;

бино ва иншоотларнинг кадастр рақами;

бино ва иншоотларнинг турар жой ёки нотурар жойлиги;

бино ва иншоотларнинг умумий майдони;

бино ва иншоотларнинг умумий яшаш майдони;

бино ва иншоотларнинг ҳуқуқ эгаси (эгалари);

бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар тури;

бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат номи, рақами, санаси;

чекланиш мавжудлиги;

бино ва иншоотларнинг кадастр қиймати.

4. Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида маълумотнома бериш ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

5. Ариза берувчи маълумотнома олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки davreestr.uz веб-сайти (белгиланган тартибда авторизация ва идентификациядан ўтиш лозим) орқали давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

6. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП ёки davreestr.uz веб-сайти орқали мурожаат этган тақдирда эса – ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда мустақил тўлдиради.

7. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи томонидан сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

8. Давлат хизматларини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизмати учун йиғим ундирилганлигини тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

9. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағларнинг 40 фоизи “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига, 40 фоизи Палата ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича Палатанинг ҳудудий бошқармалари ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағларнинг 40 фоизи “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига, 40 фоизи Палата ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича Палатанинг ҳудудий бошқармалари ҳисобварағига ўтказилади;

в) davreestr.uz веб-сайти орқали мурожаат этилганда маблағларнинг 40 фоизи “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига, 40 фоизи Палата ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича Палатанинг ҳудудий бошқармалари ҳисобварағига ўтказилади.

10. Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш қатъиян тақиқланади.

11. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

12. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказларига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари марказлари томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқланганидан сўнг сўровнома реал вақт режимида Палатага электрон шаклда юборилади.

ЯИДХП ёки davreestr.uz веб-сайти орқали мурожаат қилинганда эса – сўровнома автоматик тарзда Палатага юборилади.

13. Палата сўровнома тушган ва тўлов амалга оширилган вақтдан бошлаб реал вақт режимида ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича QR-код (штрихли код) қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ва Давлат хизматлари марказларига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёхуд ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП ёки davreestr.uz веб-сайти орқали юборади.

14. Давлат хизматлари марказлари маълумотнома тушгандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Давлат хизматлари марказлари ходими ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, ариза берувчининг сўровига кўра, унга маълумотномани электрон шаклда ёки қоғоз шаклда бериши мумкин.

Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида маълумотнома шахсга доир маълумотлар ошкор этилмаган ҳолда тақдим этилади (кўчмас мулк мулкдори томонидан ўз бино ва иншоотларининг мансублиги ва таркиби тўғрисида маълумотнома олиш учун йўлланган сўровномалар бундан мустасно).

3-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

16. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

17. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Бино ва иншоотларнинг мансублиги
ва таркиби тўғрисида маълумотнома бериш
бўйича давлат хизматини кўрсатиш
маъмурий регламентига
1-илова

**Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида
маълумотнома бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Маълумотнома олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилади, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки davreestr.uz веб-сайти орқали мурожаат қилади. 2. Хизмат кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида йиғим тўлайди.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП 3. davreestr.uz веб-сайти	Сўровномани Палатага юборади.	Сўровнома тўлдирилиши билан
3-босқич	Палата	QR-код (штрихли код) қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ва уни Давлат хизматлари марказига, ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП ёки davreestr.uz веб-сайти орқали юборади.	Реал вақт режимида
4-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП 3. davreestr.uz веб-сайти	1. Маълумотномани ариза берувчининг электрон манзилига жўнатади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. 2. Ўзи келиб мурожаат қилганда, маълумотномани ариза берувчига беради.	Реал вақт режимида

Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентига 2-илова

_____ (сана)

_____ (рақами)

**Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби ҳақида
маълумотнома бериш бўйича
СЎРОВНОМА**

Ариза берувчи (юримдик ёки жисмоний шахс) тўлдириши лозим бўлган маълумотлар:

1. Жисмоний шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми, юридик шахснинг номи (ишончнома эгасининг Ф.И.О.)	
2. Юридик шахсларда солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жисмоний шахсларда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
3. Кўчмас мулкнинг кадастр рақами	
4. Жисмоний шахснинг яшаш манзили ёки юридик шахснинг жойлашган жойи (юримдик манзили)	
5. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентига 3-илова

**Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисидаги
МАЪЛУМОТНОМА**

20__ “__” _____

№ _____

20__ “__” _____ да тушган аризага асосан шуни маълум қиламиз:

Кўчмас мулк объекти тўғрисида маълумотлар	
Кўчмас мулк объектининг номи	
Бино ва иншоотнинг тури	
Кадастр рақами	
Жойлашган жойи	
Хуқуқ эгаси (эгалари) ва хуқуқдаги улуши	
Хуқуқ тури	
Хуқуқ белгиловчи ҳужжат номи, рақами, санаси	
Давлат рўйхатидан ўтказиш санаси	
Бино ва иншоотларнинг умумий майдони (м ²)	
Кўчмас мулкнинг кадастр қиймати, (сўм)	
Чекланиш мавжудлиги	

Изоҳ. Вазирлар Маҳкамасининг “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорига 5б-иловага мувофиқ юқоридаги маълумотлар тақдим қилинади.

QR-code

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорига
5в-илова

**Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича
кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш бўйича
давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб Умумий қоидалар

1. Мазкур Маъмурий регламент Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси (кейинги ўринларда – кадастр муҳандиси) – юридик шахслар билан меҳнат шартномасини тузиш орқали ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритувчи кадастр муҳандиси малака шаҳодатномасига эга жисмоний шахс;

малака имтиҳони – кадастр муҳандисига қўйилган талабларга талабгорнинг мос келишини текширишга йўналтирилган, малака имтиҳони комиссияси томонидан ўтказиладиган имтиҳон;

малака шаҳодатномаси – малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорнинг малакасини тасдиқловчи ҳужжат;

талабгор – кадастр муҳандиси малака шаҳодатномасини олишга талабгор бўлган жисмоний шахс.

3. Кадастр муносабатлари соҳасида тайёрлаш курсларида ўқишни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (кейинги ўринларда – Палата) томонидан амалга оширилади.

4. Малака имтиҳонини топшириш учун талабгорлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

геодезия, бино ва иншоотлар қурилиши, қурилиш экспертизаси, кўчмас мулк экспертизаси, архитектура, ер тузиш ва ер кадастри йўналишлари бўйича олий маълумотга эга бўлиши;

геодезия, бино ва иншоотлар қурилиши, қурилиш экспертизаси, кўчмас мулк экспертизаси, архитектура, ер тузиш ва ер кадастри йўналишлари бўйича камида бир йил иш стажига эга бўлиши ёки иш стажига эга бўлмаган ҳолда кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёрлаш курслари бўйича таълим олган бўлиши.

5. Кадастр муҳандиси Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият юритади.

Бунда кадастр муҳандиси ўз фаолиятини амалга ошириш учун юридик шахслар билан меҳнат шартномаси тузади ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида амалга оширади.

2-боб. Малака имтиҳонини топшириш

6. Малака имтиҳонини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) директорининг буйруғи билан беш кишидан кам бўлмаган тоқ сонли таркибда малака имтиҳони комиссияси ташкил қилинади.

Агентлик директори малака имтиҳони комиссияси раиси ҳисобланади.

Малака имтиҳони комиссияси таркиби Агентлик ва Палата масъул ходимлари ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг масъул вакиллари билан шакллантирилади.

7. Малака имтиҳони комиссияси таркиби ҳар бир малака имтиҳони учун алоҳида тузилади ва доимий ҳисобланмайди.

Бунда Агентлик малака имтиҳони комиссияси таркибини шакллантириш учун Палата ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига ёзма мурожаат қилади.

Комиссия ишчи орган вазифаси Палата томонидан амалга оширилади.

8. Малака имтиҳони комиссияси қарорлари баённома билан расмийлаштирилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Бунда комиссия мажлиси комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади. Комиссия мажлисини ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, комиссиянинг янги мажлиси ўтказиладиган сана ва вақти эълон қилинади.

9. Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малакасини ошириш ва уларга малака шаҳодатномасини бериш ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схема асосида амалга оширилади.

10. Талабгор малака имтиҳонини топшириш учун Давлат хизматлари марказлари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки Агентликнинг расмий веб-сайти орқали мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги аризани ҳамда ушбу Регламентнинг 4-бандида келтирилган мутахассисликлардан бири бўйича олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси ёки хорижий давлатда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома нусхасини pdf форматида тақдим этади.

Талабгор тақдим этган ҳужжатлар тўлиқ ва улардаги маълумотлар тўғри бўлиши зарур.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Мазкур Регламентнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қолган зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни, хусусан, талабгорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва меҳнат дафтарчаларининг маълумотлари Агентлик томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан, “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади.

12. Агентлик ариза тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида талабгорга малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

13. Агентлик қуйидаги асосларга кўра малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этади:

талабгор мазкур Регламентнинг 4-банди талабларига жавоб бермаганда;

талабгор тақдим қилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда ёки нотўғри маълумотлар тақдим қилгани аниқланганда;

давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик (бунда давлат хизматидан фойдаланиш учун хабарномада кўрсатилган тўлов миқдори бир ой мобайнида тўланмаган буюртмалар автоматик рад этилади).

Бошқа асосларга кўра малака имтиҳонини топширишни рад этишга йўл қўйилмайди.

14. Талабгорнинг малака имтиҳонини топшириши рад этилган тақдирда, Агентлик томонидан тегишли қарор қабул қилинади ва талабгор рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, қабул қилинган қарор ҳақида бир иш куни ичида талабгор ариза ва ҳужжатларни Агентликка тақдим этган усулда хабардор қилинади.

15. Малака имтиҳонини топширишга рухсат беришда рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этиш учун талабгорга уч иш кунилик муддат берилади.

Белгиланган муддатда талабгор томонидан камчиликлар бартараф этилмаса, имтиҳон топширишга рухсат этилмайди ва унинг аризаси рад этилади.

16. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширишига рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилинганида талабгор малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган шахслар рўйхатига киритилади ва рўйхат малака имтиҳони бошланишидан олдин малака имтиҳони комиссиясига топширилади.

17. Малака имтиҳонига қўйилган талабгор малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида имтиҳон ўтказиладиган кундан камида беш иш куни олдин мобил телефони (мавжуд бўлганда), почта ёки электрон алоқа воситаси орқали хабардор қилинади.

Малака имтиҳонини ўтказиш куни, вақти ва жойи тўғрисида маълумот ваколатли органнинг расмий веб-сайтида мавжуд имтиҳон санасидан ўн беш кун олдин жойлаштирилади.

Малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш, шу жумладан, имтиҳон саволларини тузиш ва қайта ишлаш ҳамда натижаларини текширишни амалга ошириш учун талабгорлар томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида, ЯИДХП орқали мурожаат этилганда ушбу сумманинг 90 фоизи миқдорида тўлов амалга оширилади.

Тўлов миқдори қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Палатанинг ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига ўтказилади;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Палатанинг ҳисобварағига ўтказилади;

в) Агентликнинг расмий веб-сайти орқали мурожаат этилганда маблағлар тўлиқ миқдорда Палатанинг ҳисобварағига ўтказилади.

Тўловлар давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

18. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар рўйхати ҳамда малака имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги маълумот уни ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кунда Агентлик ва Палатанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

19. Малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига кўра, лекин камида бир ойда бир маротаба ўтказилиши лозим.

20. Малака имтиҳони комиссиясининг таркиби, иш регламенти, шунингдек, тест саволлари Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

21. Малака имтиҳонини топширишда талабгорлар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этади.

22. Талабгор Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим қилмаганда ёхуд малака имтиҳонига кечиккан тақдирда, имтиҳонга қўйилмайди ва малака имтиҳонига келмаган ҳисобланади.

23. Малака имтиҳонига кечиккан талабгор навбатдаги малака имтиҳонидаги талабгорлар рўйхатига киритилади ва бу ҳақда мобил телефони, почта ёки электрон алоқа воситаси орқали икки иш кунидан кечиктирмай хабардор қилинади.

24. Агарда талабгор тегишли тарзда хабардор қилинганидан кейин икки маротаба малака имтиҳонини топшириш учун келмаса, навбатдаги малака имтиҳонидаги талабгорлар рўйхатига киритилмайди. Бундай ҳолларда талабгор малака имтиҳонидан ўтиш учун қайтадан ариза билан мурожаат қилиши лозим.

25. Малака имтиҳони тест синови усулида, компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда, талабгорнинг танловига кўра ўзбек тилида ёки заруратга кўра рус тилида ҳам ўтказилади.

26. Малака имтиҳонининг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида имтиҳон жараёнлари узлуксиз видеотасвирга (овозли) туширилади ва видеотасвир камида бир йил сақланади.

27. Тест саволларини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган мавзулар Агентлик ва Палата расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Тест саволлари қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда янгилаб борилади.

28. Тест синови соҳага оид 75 та саволдан иборат бўлади.

Талабгорга малака имтиҳонини топшириш умумий имтиҳон вақти давомийлиги 45 дақиқани ташкил этади.

29. Тест синовлари ўтказиладиган хонага жадвал, китоб, уяли телефон ва шпаргалкалар олиб кириш, бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш тақиқланади.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар тест синовлари ўтказиладиган хонадан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

30. Малака имтиҳони тест синови натижалари тест синови якуни билан эълон қилинади.

Малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб уч иш куни ичида малака имтиҳони комиссиясининг тест синови натижалари қайд этилган баённомаси расмийлаштирилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

31. Малака имтиҳони натижалари ҳамда малака имтиҳони комиссиясининг баённомаси Палатада сақланиши лозим.

32. Талабгорнинг тўғри жавоблар бўйича якуний натижаси 70 фоиз ва ундан юқори кўрсаткични ташкил қилган бўлса, у малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳисобланади.

33. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгорлар уни навбатдаги малака имтиҳонида такроран топшириш ҳуқуқига эга, бироқ шу куннинг ўзида қайта топширишга йўл қўйилмайди.

Талабгор навбатдаги малака имтиҳонини қайта топширишига қадар тақдим қилинган ҳужжатлар Палатада сақланади.

34. Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорларга малака шаходатномаси берилади.

35. Кадастр муҳандисларини Палатада ўқитиш ва доимий тарзда (уч йилда бир маротаба) малакасини ошириб бориш лозим.

3-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш

36. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгор имтиҳон ўтказилган кундан бошлаб ўн кун муддатда Агентликка апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма ёки электрон алоқа воситалари орқали тақдим этилади.

37. Агентлик бир иш куни муддатида апелляцияни малака имтиҳони комиссиясига тақдим этади.

Малака имтиҳони комиссияси уч иш кунида апелляцияни кўриб чиқади ва Агентликка қабул қилинган қарор ҳақида хабар беради.

Агентлик малака имтиҳони комиссиясининг қарори тўғрисида талабгорга бир иш куни муддатида хабар беради.

38. Малака имтиҳони комиссияси томонидан апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

апелляцияни қаноатлантириш ва талабгорни малака имтиҳонини муваффақиятли топширган деб ҳисоблаш тўғрисида;

малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

39. Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор апелляцияда кўрсатилган асослар ўз тасдиғини топмаган ҳолларда қабул қилинади.

40. Агентликнинг қароридан норози бўлган талабгорлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

4-боб. Малака шаҳодатномасини расмийлаштириш ва бериш

41. Малака шаҳодатномаси мазкур Регламентга 3-иловада келтирилган шаклда расмийлаштирилади ва Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг барча ҳудудларида амал қилади.

42. Малака шаҳодатномаси Агентлик ахборот тизимининг электрон ҳужжатлар базасида шакллантирилиб, веб-сайти орқали ноёб идентификация рақамини киритиш ёки электрон ҳужжатда жойлашган QR–кодни сканер қилиш йўли билан текшириш имконияти бўлади.

43. Малака шаҳодатномаси Агентлик томонидан малака имтиҳони комиссиясининг баённомаси олинганидан бошлаб беш кун ичида расмийлаштирилади ва талабгор ариза ва ҳужжатларни Агентликка тақдим этган усулда электрон кўринишда талабгорга тақдим этилади.

44. Агар талабгор малака шаҳодатномасини олган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз фаолиятини амалга оширмаган бўлса, Агентлик мазкур шаҳодатномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

5-боб. Малака шаҳодатномасини қайта расмийлаштириш

45. Кадастр муҳандисининг фамилияси ёки исми ёхуд отасининг исми ўзгарган тақдирда, у тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатлар берилган санадан бошлаб икки ой ичида Агентликка мазкур Регламентга 2-иловада келтирилган шаклда ариза билан мурожаат қилади.

Бунда аризага тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

46. Малака шаҳодатномасининг қайта расмийлаштирилиши кадастр муҳандиси томонидан ариза берилган вақтдан бошлаб беш иш куни ичида амалга оширилади.

47. Янги малака шаҳодатномада қайта расмийлаштирилаётган малака шаҳодатномасининг рақами кўшимча тарзда қайд қилинади.

48. Кадастр муҳандиси йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган малака шаҳодатномаси ўрнига Агентлик ахборот тизимининг электрон ҳужжатлар репозиторийси веб-сайти орқали ноёб идентификация рақамини киритиш ёки электрон ҳужжатда жойлашган QR–кодни сканер қилиш йўли билан малака шаҳодатномасини қайта юклаб олиши мумкин.

6-боб. Малака шаҳодатномаси амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш

49. Кадастр муҳандисининг ташаббуси билан малака шаҳодатномасини тугатиш ва бекор қилиш Агентлик томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ваколатли органлар ташаббуси билан малака шаҳодатномасини тугатиш ва бекор қилиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

50. Қуйидагилар малака шаҳодатномаси амал қилишини тугатиш учун асос бўлади:

кадастр муҳандисининг аризаси;

кадастр муҳандиси фаолиятини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларини бузиш;

кадастр йиғмажилди тайёрлашда, унинг қаватма-қават режаларини тузишда, техник режаларни расмийлаштиришда, шунингдек, унинг техник ҳисобга қўйиш ишларини амалга оширишда нотўғри маълумот бериш;

шахсни белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарори.

51. Малака шаҳодатномасининг амал қилиши уни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб тугатилади.

52. Малака шаҳодатномаси қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

Агентликнинг малака шаҳодатномасини бериш тўғрисидаги қарори ноқонуний эканлиги аниқланганда;

малака шаҳодатномаси сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

53. Малака шаҳодатномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор ушбу қарор қонуний кучга кирган санадан бошлаб амал қилади.

54. Қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузгани учун малака шаҳодатномасининг амал қилиши тугатилган кадастр муҳандисига, у тугатилган санадан бошлаб қуйидаги муддатлар мобайнида такроран малака шаҳодатномаси берилмайди:

кўчмас мулк объектларида хатлов ишларини олиб бориб кадастр йиғмажилдини шакллантиришда техник хатоликларга йўл қўйганда олти ой мобайнида;

кўчмас мулк объектига тегишли ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатларга амал қилмаган ҳолда кадастр йиғмажилдини шакллантиришда бир йил мобайнида.

55. Малака шаҳодатномаси амал қилишини тугатиш ёки малака шаҳодатномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

56. Малака шаҳодатномаси амал қилишини тугатиш ёки малака шаҳодатномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган куннинг ўзида тегишли кадастр муҳандиси ва кадастр муҳандиси билан меҳнат шартномаси тузган юридик шахсга унинг нусхаси юборилади.

57. Малака шаҳодатномасини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

7-боб. Кадастр муҳандислари реестри

58. Агентлик томонидан кадастр муҳандислари реестри юритилади ва унда кадастр муҳандисларининг қуйидаги маълумотлари қайд этилади:

кадастр муҳандисининг фамилияси, исми, отасининг исми;

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

малака шаҳодатномасининг рақами, берилган сана;

малака шаҳодатномаси олинган сана;

малака имтиҳонида қайд этилган натижа;

малака шаҳодатномасини бекор қилиш ёки амал қилишини тугатиш, қайта расмийлаштириш ҳақидаги маълумотлар.

59. Кадастр муҳандислари реестри электрон шаклда юритилади.

60. Кадастр муҳандислари реестрига киритилган маълумотлардан очик фойдаланилиши мумкин.

Кадастр муҳандислари реестри Агентликнинг расмий веб-сайтида акс эттирилади.

61. Кадастр муҳандиси томонидан кадастр йиғмажилди тайёрлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар Мазкур регламентга 4-иловага мувофиқ минимал ставкалар асосида амалга оширилади.

8-боб. Яқунловчи қондалар

62. Мазкур Регламентни бажариш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

63. Мазкур Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича
кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш
бўйича давлат хизматлари кўрсатиш маъмурий регламентига
1-илова

**Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малакасини ошириш
ва унга малака шаҳодатномасини бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1-босқич	Талабгор	Давлат хизматлари марказлари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Агентликнинг расмий веб-сайти орқали аризани ҳамда мазкур Регламентнинг 3-бандида келтирилган мутахассисликлардан бири бўйича олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси ёки хорижий давлатда олий таълим олганлик тўғрисидаги хужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома нусхасини pdf форматида тақдим этади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП 3. Агентликнинг расмий веб-сайти	Сўровномани тегишлича Агентликка юборади.	1. Сўровнома тўлдирилиши билан 2. Автоматик тарзда 3. Автоматик тарзда
3-босқич	Агентлик	Талабгорга малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади, натижаси бўйича талабгорни хабардор қилади.	Уч иш куни ичида
4-босқич	Талабгор	1. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилганда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг миқдорда тўлов амалга оширади; 2. Малака имтиҳонини топшириш рад этилган тақдирда, кўрсатилган камчиликларни бартараф этади.	Уч иш куни ичида Уч иш куни ичида

5-босқич	Агентлик	<p>1. Малака имтиҳонига қўйилган талабгор малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида мобил телефони (мавжуд бўлганда), почта ёки электрон алоқа воситаси орқали хабардор қилади.</p> <p>2. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган шахслар рўйхати Комиссияга тақдим этади.</p> <p>3. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар рўйхати ҳамда малака имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги маълумот Агентлик ва Палатанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.</p> <p>3. Кўрсатилган камчиликлар баргараф этилмаган тақдирда малака имтиҳонини топширишга рухсат этилмайди.</p>	<p>Имтиҳон ўтказиладиган кундан камида беш иш куни олдин</p> <p>Малака имтиҳони бошланишидан бир кун олдин Малака имтиҳонини ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки кун ичида</p>
6-босқич	Талабгор	Белгиланган вақтда келиб малака имтиҳонини топширади	45 дақиқа
7-босқич	Агентлик	<p>1. Малака имтиҳонини ўтказади.</p> <p>2. Тест синови натижалари бўйича баённомани расмийлаштиради ва эълон қилади.</p> <p>3. Малака шаҳодатномасини расмийлаштиради ва Давлат хизматлари марказларига юборади ёки ЯИДХП, электрон почта орқали талабгорга тақдим этади.</p>	<p>Белгиланган муддатда Уч иш кунида</p> <p>Ики иш кунида</p>
8-босқич	Давлат хизматлари маркази	Малака шаҳодатномаси тушгандан сўнг уларни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.	Реал вақт режимида

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича
кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш
бўйича давлат хизматлари кўрсатиш маъмурий регламентига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Кадастр агентлигига

АРИЗА

Менга кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси малака шаҳодатномасини
олиш учун малака имтиҳонини топширишга рухсат беришингизни сўрайман.
Шу билан бирга, ўзим тўғримда қуйидаги ахборотларни маълум қиламан:

1. Ф.И.О.:	
2. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами):	
3. (ЖШШИР):	
4. Туғилган йили, ойи, санаси:	
5. Яшаш манзили:	
6. Телефон рақами:	
7. Электрон почта манзили:	
8. Меҳнат фаолиятини олиб борган жой (ташкilot номи):	
9. Лавозими:	
10. Ишга кирган сана:	
11. Ишдан бўшаган сана:	
12. Ўқиган таълим муассасаси:	
13. Мутахассислиги:	
14. Ўқишга кирган йил:	
15. Ўқишни битирган йил:	

Шахсий маълумотларимдан кадастр муҳандиси малака шаҳодатномаси ва
уни расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнларда фойдаланилишига розиман.

Шахсий имзо _____
20 ____ йил “ ____ ” _____

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича
кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш
бўйича давлат хизматлари кўрсатиш маъмурий регламентига
3-илова

**Ўзбекистон Республикасининг
Давлат герби тасвири**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги
Кадастр агентлиги**

**КАДАСТР МУҲАНДИСИНИНГ МАЛАКА
ШАҲОДАТНОМАСИ**

_____ – сон

20__ йил “__”

Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси малака шаҳодатномаси
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр
агентлиги томонидан _____

га

(кадастр муҳандиси малака шаҳодатномасини олган шахснинг Ф.И.О.)

малака имтиҳон комиссиясининг 20__ йил “__” _____даги қарорига асосан
кадастр муҳандиси малака шаҳодатномаси берилди.

(ваколатли шахснинг Ф.И.О.)

(имзо)

QR-code

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш маъмурий регламентига 4-илова

**Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида
кадастр муҳандислари томонидан кўчмас мулк объектларига
кадастр йиғмажилди тайёрлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар
нархининг минимал ставкалари**

Т/р	Хизматлар номи	Ишларнинг минимал нархи
I. Кўчмас мулк объектларининг нотузар бино ва иншоотларга оид қисмига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш		
1.1.	Умумий майдони 100 квадрат метргача бўлган кўчмас мулк	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари
1.2.	Умумий майдони 100 квадрат метрдан 1 000 квадрат метргача бўлган кўчмас мулк	Объектнинг 1 квадрат метр майдони учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,15 фоизи
1.3.	Умумий майдони 1 000 квадрат метрдан 5 000 квадрат метргача бўлган кўчмас мулк	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 17,25 баравари
1.4.	Умумий майдони 5 000 квадрат метрдан 15 000 квадрат метргача бўлган кўчмас мулк	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 34,5 баравари
1.5.	Умумий майдони 15 000 квадрат метрдан 50 000 квадрат метргача бўлган кўчмас мулк	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 57,5 баравари
1.6.	Умумий майдони 50 000 квадрат метрдан ортиқ бўлган кўчмас мулк	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 80,5 баравари
II. Кўчмас мулк объектларининг тузар жой фондига оид қисмига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш		
2.1.	Кўп квартирали уйдаги квартира	Объектнинг 1 квадрат метр майдони учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,15 фоизи
2.2.	Якка тартибдаги тузар жой	Объектнинг 1 квадрат метр майдони учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,15 фоизи

Изоҳ.

1. Умумий майдонни аниқлашда барча бино ва иншоотларнинг умумий майдони ҳисобга олинади.
2. I ва II гуруҳлар ногиронлари ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун хизматлар нархи хизматлар умумий қийматининг 50 фоизини ташкил қилади.
3. Ушбу иловага мувофиқ белгиланган давлат хизматлари учун жисмоний шахсларга ҳисобланган ҳақ миқдорларига қуйидаги камайтирувчи коэффициентлар қўлланилади:
туманларда (шаҳар таркибига кирувчи туманлар, туман бўйсунувидаги шаҳарлар ва туман маркази ҳисобланган шаҳарчалар бундан мустасно) – 0,9;
бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда – 0,8;.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 33-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Якка тартибдаги уй-жойда ҳамда жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш (дала ҳовли) учун берилган ер участкаларида ўстирилган кўп йиллик дарахтларга кадастр йиғмажилди тайёрланмайди”;

б) 52-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“кўп квартирали уйнинг кадастр паспорти – ушбу Низомга 9а-иловага мувофиқ”;

қуйидаги мазмундаги 9а-илова билан тўлдирилсин:

“Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга 9а-илова

(Давлат кадастрлари палатаси филиали номи ёки кадастр муҳандисининг фамилияси, исми, отасининг исми)

КЎП КВАРТИРАЛИ УЙНИНГ КАДАСТР ПАСПОРТИ (кадастр йиғмажилдидан кўчирма)

Кадастр йиғмажилди шакллантирилган сана		
Кадастр паспорти берилган	Сана	
	Рақами	
I. Манзил ҳақида маълумотлар		
Кадастр рақами		
Жойлашган жойи		
II. Умумий маълумотлар		
Ер участкасининг майдони, м ²	хужжатдаги	
	амалдаги	
Бинонинг қаватлари сони		
Қурилган йили		
Умумий қурилиш ости майдони, м ²		
Туташ ер участкаси майдони, м ²		
Умумий фойдали, м ²		
Яшаш майдони, м ²		
Кўп квартирали уйнинг тури		
Квартира ва жойлар сони		
Шундан:	1 хонали	
	2 хонали	
	3 хонали	
	4 хонали	
	5 хонали	
	6 ва ундан кўп хоналилар	
	турар жой	
	нотурар жой	

III. Объект тавсифи	
Жами хоналар сони	
Яшаш хоналари сони	
Кадастр қиймати, сўм	
Баҳолаш санаси	
Конструктив қисмларининг тавсифи	Пойдевор
	Юк кўтариб турувчи қисмлар
	Том қопламаси
IV. Умумий мол-мулк	
Ертўлалар майдони	
Кириш йўлаклари (подъездлар) сони	
Чердаклар майдони	
Лифтлар сони	
Бошқа умумий мол-мулклар	

_____ (ижрочи лавозими)

_____ (Ф.И.О.)

Объект бўйича қўшимча маълумотларни davreestr.uz веб-сайти орқали олиш имконияти мавжуд.

QR-код

(Давлат кадастрлари палатаси филиали номи ёки кадастр муҳандисининг фамилияси, исми, отасининг исми)
Кўп квартиралли уйнинг кадастр паспортига илова

ЕР УЧАСТКАСИНИНГ КАДАСТР РЕЖАСИ

_____ (юрлик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

Кадастр рақами: _____

Ер участкасининг амалдаги майдони _____ (га)

Масштаб 1: _____

Ижрочи: _____

Буюртмачи: _____

Чегарадошлар:

ЕР УЧАСТКАСИ ЧЕГАРАЛАРИНИНГ БУРИЛИШ НУҚТАЛАРИ КООРДИНАТЛАРИ КАТАЛОГИ

Манзили: _____

Кадастр рақами: _____

Нуқталар тартиб рақами	Геомаялумотлар		
	Узунлиги (m)	X	Y
1			
2			
3			
4			
...			

Ер участкасининг умумий ер майдони $S = __ \text{ м}^2 = __ \text{ га}$

Ер участкасининг периметри $\Pi = __ \text{ метр}$



10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида геодезия ва картография соҳасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 28 июндаги 395-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбоши “умумдавлат” сўзидан кейин “ҳамда махсус (тармоққа оид)” сўзлари билан тўлдирилсин.

б) 1-иловада:

Низомнинг номи “умумдавлат” сўзидан кейин “ҳамда махсус (тармоққа оид)” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-банд “умумдавлат” сўзидан кейин “ҳамда махсус (тармоққа оид)” сўзлари билан тўлдирилсин;

2-банднинг учинчи хатбошиси “умумдавлат” сўзидан кейин “ҳамда махсус (тармоққа оид)” сўзлари билан тўлдирилсин;

3-банднинг биринчи, иккинчи ва тўққизинчи хатбошилари “умумдавлат” сўзидан кейин “ҳамда махсус (тармоққа оид)” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш”;

ўн саккизинчи хатбоши ўн тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

8-банд “умумдавлат” сўзидан кейин “ҳамда махсус (тармоққа оид)” сўзлари билан тўлдирилсин;

Низомга 1-иловада:

схема номи “умумдавлат” сўзидан кейин “ҳамда махсус (тармоққа оид)” сўзлари билан тўлдирилсин;

схеманинг 1 ва 6-босқичлари “Чора-тадбирлар” устуни “умумдавлат” сўзидан кейин “ҳамда махсус (тармоққа оид)” сўзлари билан тўлдирилсин;

Низомга 2-иловада схема номи “умумдавлат” сўзидан кейин “ҳамда махсус (тармоққа оид)” сўзлари билан тўлдирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 27 августдаги 543-сон қарорида:

а) 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалда фойдаланиб келаётган ер участкаларини уларга соддалаштирилган тартибда доимий фойдаланишга ажратиш тартиби;

кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига фойдаланишга топширилган кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ер участкаларини доимий фойдаланишга ажратиш тартиби ва хусусиятлари”;

бешинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Мазкур Регламент:

ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратиш;

давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига амалда фойдаланиб келинаётган ер участкаларини соддалаштирилган тартибда доимий фойдаланишга ажратиш;

кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ер участкаларини кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига доимий фойдаланишга ажратиш тартибини белгилайди.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорига мувофиқ давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

Ушбу Регламентга мувофиқ давлат ва жамоат эҳтиёжлари ҳисобланган вазифалар ушбу банднинг бешинчи хатбошисида назарда тутилмаган юридик шахслар ёки жисмоний шахслар томонидан бажарилиши белгиланган ҳолларда ер участкаси фаолият соҳасидан келиб чиқиб, тегишли давлат органи, муассасаси ва корхонасига, бундай ташкилотни аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда эса – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади ва кейинчалик улар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилади.

Кўп квартирالي уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартирالي уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади. Ушбу қоида янги кўп квартирالي уй қуриладиган ер участкасининг майдонини қасддан камайтириб кўрсатиш учун асос сифатида талқин қилиниши мумкин эмас.

2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерлари тоифасидаги ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ажратилмайди.

Агар ажратилиши режалаштириладиган ер участкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерлар тоифасига кирса, аввал ушбу ерларни Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган тартибда бошқа ер тоифасига ўтказиш масаласи ҳал этилади”;

қуйидаги мазмундаги 5¹-банд билан тўлдирилсин:

“5¹. Давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кўп квартирالي уйлар мулкдорлари фойдаланишида бўлган, бироқ ер ажратиш ҳақида қарор қабул қилинмаган ер участкасини (кейинги ўринларда – фойдаланишдаги ер участкалари) ажратишдан олдин уни давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди.

Агар ер участкасининг амалдаги фойдаланиш мақсадини ўзгартириш учун қонунчиликда белгиланган аниқ асослар мавжуд бўлмаса, фойдаланишдаги ер участкасини ажратиш материалларини ваколатли ташкилотлар томонидан келишишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Фойдаланишга топширилган кўп квартирالي уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар у кўп квартирالي уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқача тарзда тегишли бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан ушбу мулкдорларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида умумий фойдаланишга берилади”;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қарори билан белгиланган буюртмачи ер участкасини ажратиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига буюртма беради. Бунда буюртмага лойиҳалаштириладиган объектлар бўйича атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баённома лойиҳаси илова қилинади”;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси беш иш куни мобайнида:

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри маълумотлари асосида буюртмада белгиланган ер участкасининг бўш ёки бўш эмаслигини, ер участкасининг тоифасини аниқлайди;

ер участкаси бўш бўлмаган ва (ёки) қишлоқ (ўрмон) хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига кирган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бу тўғрисида маълумот юборади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкаси бўйича буюртма асосида шартнома ҳужжатларини тайёрлайди ва буюртмачи билан ер участкаси ажратиш материалларини тайёрлаш юзасидан шартнома тузади”;

14-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“буюртмачи томонидан тақдим этилган лойиҳалаштирилаётган объектлар бўйича атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баённома лойиҳаси”;

23-банднинг “а” кичик банди иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

31-банднинг биринчи хатбошиси “қарори асосида” сўзларидан кейин “ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги 5¹ ва 5² боблар билан тўлдирилсин:

“5¹-боб. Давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалда фойдаланиб келаётган ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш тартиби

32¹. Фойдаланишдаги ер участкалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорига мувофиқ давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (кейинги ўринларда – давлат ташкилотлари) доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади.

32². Давлат ташкилотлари фойдаланишдаги ер участкасини ажратиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига буюртма беради.

32³. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртма тушгандан кейин бир иш куни мобайнида уни тегишли қурилиш бош бошқармаси ва Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига юборади.

32⁴. Ер участкасини ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш ишлари ер участкаси ажратилаётган давлат ташкилотлари ҳамда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси томонидан шартнома асосида бажарилади.

32⁵. Ер участкасини ажратиш материалларини тайёрлаш учун Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси томонидан ушбу Низомнинг 12-бандига мувофиқ ҳақ ундирилади.

32⁶. Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси буюртма тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида қуйидагиларни ўрганади:

буюртмада белгиланган давлат ташкилотларининг фойдаланишидаги ер участкаси ва унда жойлашган бино ва иншоотлар жисмоний ҳамда бошқа юридик шахслар номига кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги;

ер участкалари бўйича топографик режанинг мавжудлиги.

Давлат ташкилотларининг фойдаланишидаги ер участкаси ҳамда ундаги бино ва иншоотлар жисмоний ва бошқа юридик шахслар номига давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бу тўғрисида маълумот юборилади.

Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси ер участкасининг топографик харитаси мавжуд бўлмаган ёки топографик харитаси амалда фойдаланиб келинаётган ер участкасининг майдони ва чегараларига мос бўлмаганда тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандида белгиланган муддатларда давлат ташкилотлари билан тузиладиган шартнома асосида ер участкасининг 1:500 масштабдан 1:2000 масштабгача топографик харитасини тайёрлайди.

32⁷. Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси давлат ташкилотлари билан шартнома тузилгандан кейин Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандида белгиланган муддатларда электрон шаклда ҳужжатлар йиғмажилдини тайёрлайди ва ҳужжатлар йиғмажилди тайёрланган куннинг ўзида уни “YERELEKTRON” ААТ орқали ер участкасининг чегараларини келишиш учун қурилиш бош бошқармасига юборади.

32⁸. Ҳужжатлар йиғмажилдига қуйидагилар илова қилинади:

ер участкаси, жумладан, уларнинг майдони (гектарда), ер участкасининг ер фонди тоифаси, мавжуд мажбуриятлар, қайси мақсадга мўлжалланаётганлиги ҳақида қисқача маълумот;

чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема;

ер участкасининг камида икки томондан ўраб турган объектлар билан биргаликдаги фотосурати;

ер участкасининг чегараларини аниқлаш ва келишиш далолатномаси (кейинги ўринларда – далолатнома).

Бунда Давлат кадастрлари палатаси жойига чиққан ҳолда ер участкаларининг чегараларини аниқлайди ва натижаси бўйича далолатнома лойиҳасини тайёрлаган ҳолда давлат ташкилотлари вакили ҳамда кўшни чегарадошлар билан келишади.

32⁹. Қурилиш бош бошқармаси сўров тушган кундан бошлаб беш иш кун ичида “Yerelektron” ААТ орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда материалларни келишади ёки келишишни рад этади.

Келишув ҳеч қандай эътироз ва шартларсиз амалга оширилади.

Келишув рад этилганда соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда ер участкасини ажратиш имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатилади ҳамда мазкур ер участкалари айнан қайси жиҳатдан ушбу нормаларга мувофиқ эмаслиги акс эттирилади.

32¹⁰. Қурилиш бош бошқармаси ижобий келишувидан кейин ҳужжатлар йиғмажилди “YERELEKTRON” ААТ орқали электрон шаклда бир иш куни мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат шаклида юборилади.

32¹¹. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уч иш кун мобайнида ҳужжатлар йиғмажилдини мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибга асосан ваколатли органлар билан келишади.

32¹². Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қурилиш бош бошқармаси ва ваколатли органлар билан келишилган ҳужжатлар йиғмажилдини олгандан кейин икки иш куни мобайнида ер участкасини давлат ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш ҳақида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “E-qaror” тизими орқали қарор қабул қилади.

Ҳуқуқий экспертиза якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг ижобий хулосаси мавжудлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан ер участкасини доимий фойдаланишга ажратиш ҳақида қарор қабул қилишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Ер участкасини ажратиш ҳақидаги қарорда қуйидаги масалалар акс эттирилган бўлиши керак:

ажратилаётган ер участкасининг умумий майдони, ер турлари (мавжуд бўлган тақдирда), ер эгалари, мулкдорлари;

сув муҳофазаси, экологик, ёнғинга қарши, санитария шартлари ва талаблари (зарурат бўлганда).

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш ҳақидаги қарорига “Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими” орқали автоматик равишда шакллантириладиган ва қарорнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган электрон харита илова қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўз қарорини бир иш куни мобайнида давлат ташкилотлари, шунингдек, Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига юборади.

Давлат ташкилотларининг муурожаатига мувофиқ Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаси белгиланган тартибда ер участкасига кадастр паспортини расмийлаштиради ҳамда “Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими” орқали икки иш куни мобайнида ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказди.

5²-боб. Фойдаланишга топширилган кўп квартирали уй-жойлар мулкдорлари фойдаланишида бўлган ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш тартиби

32¹³. Фойдаланишга топширилган кўп квартирали уй-жойлар мулкдорлари фойдаланишида бўлган, бироқ ер ажратиш ҳақида қарор қабул қилинмаган ер участкалари (кейинги ўринларда – фойдаланишдаги ер участкалари) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорига мувофиқ кўп квартирали уй-жойлар мулкдорларига (кейинги ўринларда – мулкдорлар) доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади.

32¹⁴. Фойдаланишдаги ер участкалари мулкдорлари ер участкасини ажратиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига буюртма беради.

32¹⁵. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртма тушгандан кейин бир иш куни мобайнида буюртмани тегишли ҳудудий қурилиш бош бошқармасига юборади.

32¹⁶. Қурилиш бош бошқармаси буюртма тушган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида фойдаланишдаги ер участкасининг топографик харитасини тайёрлаш учун “YERELEKTRON” ААТ орқали “ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖга юборади.

32¹⁷. “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК мулкдорлар ёки уй-жой мулкдорларининг ширкати, бошқарувчи ташкилот ва бошқарувчи, бевосита бошқарувчи (кейинги ўринларда – бошқарувчилар) билан шартнома тузилгандан кейин ўн иш куни мобайнида электрон шаклда фойдаланишдаги ер участкасининг 1:500 масштабдан 1:2000 масштабгача топографик харитасини тайёрлайди ва “YERELEKTRON” ААТ орқали материалларни қурилиш бош бошқармасига юборади.

Бунда қурилиш бош бошқармаси томонидан фойдаланишдаги ер участкаларининг топографик харитасини тайёрлаш учун қонунчиликда белгиланган тартибда лойиҳа-қидирув соҳасида фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.

32¹⁸. Қурилиш бош бошқармаси беш иш кунда жойига чиққан ҳолда тайёрланган топографик харитада фойдаланишдаги ер участкасининг чегараларини аниқлайди ва натижаси бўйича мазкур Низомга 2-иловада келтирилган намунавий шаклда ер участкаси чегараларини аниқлаш ва келишиш далолатномаси (кейинги ўринларда – далолатнома) лойиҳасини тайёрлаган ҳолда муқддорлар ҳамда қўшни чегарадошлар билан келишилади.

32¹⁹. Далолатнома муқддорлар томонидан имзоланади.

Ер участкалари чегараларини аниқлашда ер участкасининг чегаралари чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгаси (эгалари) билан келишилмаган тақдирда, низо суд тартибида ҳал этилади.

32²⁰. Далолатномага қуйидагилар илова қилинади:

фойдаланишдаги ер участкасининг майдони (гектарда) ҳақида маълумот; координатали нуқталари билан ер участкасининг чегаралари ва манзилларини (аҳоли пункти ва кўчалар, кўча бўлмаганда эса мавжуд объектдан метр ҳисобидаги масофа кўрсатилади) ҳамда ер ости ва ер усти муҳандислик тармоқлари М 1:500 дан М 1:1000 гача катталиқда кўрсатилган ҳолда жойлаштириш режаси;

чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема;

ер участкасининг камида икки томондан ўраб турган объектлар билан биргалиқдаги фотосурати (15x20 см).

32²¹. Қурилиш бош бошқармаси томонидан фойдаланишдаги ер участкасининг чегараларини келишиш материаллари “YERELEKTRON” ААТ орқали Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармасига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат шаклида юборилади.

32²². Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси фойдаланишдаги ер участкасининг чегараларини келишиш учун материаллар тушган кундан бошлаб икки иш кунда:

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри маълумотлари асосида фойдаланишдаги ер участкасининг бўш ёки бўш эмаслигини аниқлайди ҳамда ушбу ер участкаси бўш бўлган тақдирда, уни электрон рақамли имзо билан келишиб беради;

ер участкаси бўш бўлмаган тақдирда, қурилиш бош бошқармасига бу тўғрисида маълумот юборади.

32²³. Қурилиш бош бошқармаси фойдаланишдаги ер участкасининг чегараларини Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан келишилган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида ер участкасининг топографик харитасида белгиланган чегаралари (координатали нуқталари билан) ва далолатномани “YERELEKTRON” ААТ орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат шаклида юборади.

32²⁴. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ер участкасининг топографик харитасида белгиланган чегаралари ва далолатномалари олинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида ер участкасининг мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш ҳақида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “Е-қарор” тизими орқали қарор қабул қилади.

Ҳуқуқий экспертиза якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг ижобий хулосаси мавжудлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан ер участкасини доимий фойдаланишга ажратиш ҳақида қарор қабул қилинишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

32²⁵. Ер участкасини ажратиш ҳақидаги қарорда қуйидаги масалалар акс эттирилган бўлиши керак:

ажратилаётган ер участкасининг умумий майдони, ер турлари (мавжуд бўлган тақдирда), мулкдорлари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш ҳақидаги қарорига унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган электрон харитаси илова қилинади.

32²⁶. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўз қарорларини бир иш куни мобайнида мулкдорлар ҳамда Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига юборади.

32²⁷. Мулкдорлар ёки бошқарувчиларнинг мурожаатига мувофиқ Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланган тартибда мулкдорлар номига ер участкасига кадастр паспорти расмийлаштирилади ҳамда “Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими” орқали икки иш куни мобайнида ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилади”;

Маъмурий регламентга илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун
доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий
регламентига
1-илова

**Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий
фойдаланишга ажратиш
СХЕМАСИ**

I. Давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини доимий фойдаланиш учун ажратиш тартиби

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қарори билан белгиланган буюртмачи	Ер участкасини ажратиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига буюртма беради. Бунда буюртмага лойиҳалаштирилаётган объектлар бўйича атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баённома лойиҳаси илова қилинади.	Заруратга кўра
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Буюртмани ер участкасини ажратиш материалларини тайёрлаш учун тегишли Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармасига юборади.	1 иш куни мобайнида
3-босқич	Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси	Буюртма асосида шартнома ҳужжатларини тайёрлайди ва буюртмачи билан ер участкасини ажратиш материалларини тайёрлаш юзасидан шартнома тузади. Ер участкасини ажратиш ҳақида электрон шаклда ҳужжатлар йиғмажилдини тайёрлайди ва уни “YERELEKTRON” ААТ орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборади.	5 иш куни мобайнида 20 иш куни мобайнида
4-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳужжатлар йиғмажилдини ўрганади ва Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмаларидан давлат экологик экспертизаси хулосасини олиш учун буюртмачига юборади.	5 иш куни мобайнида
	Буюртмачи	Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмаларига давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун мурожаат қилади.	1 иш куни мобайнида

	Давлат экология кўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари	Давлат экологик экспертизасини ўтказди ва буюртмачига давлат экологик экспертизаси хулосасини тақдим этади.	20 иш куни мобайнида
	Буюртмачи	Давлат экологик экспертизаси хулосасини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборади.	1 иш куни мобайнида
5-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳужжатлар йиғмажилдини ўрганади ва уни Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасига хулоса олиш учун юборади.	2 иш куни мобайнида
6-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси	Шаҳарсозлик ҳужжати мавжуд бўлган тақдирда, ҳужжатлар йиғмажилдини кўриб чиқади, ажратиладиган ер участкаси бўйича хулоса тайёрлайди ва тегишлича уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборади. Шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, ўз хулосасини илова қилган ҳолда ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашига келишиш учун юборади.	5 иш куни мобайнида 3 иш куни мобайнида
7-босқич	Ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши	Ҳужжатлар йиғмажилди материалларини кўриб чиқади, уларни келишади. Келишилган материалларни Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасига юборади.	5 иш куни мобайнида 3 иш куни мобайнида
8-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси	Ўз хулосасини ва Кенгаш томонидан келишилган материалларни “YERELEKTRON” ААТ орқали электрон шаклда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат шаклида юборади.	1 иш куни мобайнида

9-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ер участкаси ажратиш ҳақидаги ҳужжатлар йиғмажилдини мазкур хулоса (кенгаш билан келишув)ни илова қилган ҳолда ваколатли ташкилотларга хулосалар олиш ва келишиш учун юборади.	1 иш куни мобайнида
10-босқич	Ваколатли ташкилотлар	Келишишни амалга оширади ва тегишли хулосани беради ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборади.	5 иш куни мобайнида
11-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ер участкасини ажратиш ҳақида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “E-qanoq” тизими орқали қарор қабул қилади. Ҳужжатлар йиғмажилдини, ваколатли ташкилотлар хулосалари ва келишуви бўйича материалларни ҳамда ўз қарорини Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармасига юборади.	2 иш куни мобайнида 1 иш куни мобайнида
12-босқич	Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси, қурилиш бош бошқармаси ҳамда “ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ лойиҳа-қидирув ташкилоти филиали	Ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилайди ва ер участкасини натурада кўрсатади.	3 иш куни мобайнида
13-босқич	Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси	Ер участкасига кадастр паспортини расмийлаштиради ҳамда “Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими” орқали ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиши.	2 иш куни мобайнида

II. Давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалда фойдаланиб келаётган ер участкаларини доимий фойдаланиш учун ажратиш тартиби

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	Ер участкасини ажратиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига буюртма беради.	Заруратга кўра
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Буюртмани тегишли Қурилиш бош бошқармаси ва Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига юборади.	1 иш куни мобайнида
3-босқич	Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси	<p>1. Буюртмада белгиланган юридик шахснинг фойдаланишидаги ер участкаси ва унда жойлашган бино ва иншоотлар жисмоний ҳамда юридик шахслар номига кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ўрганади.</p> <p>2. Ер участкалари бўйича топографик режанинг мавжудлигини аниқлайди.</p> <p>3. Буюртма асосида шартнома ҳужжатларини тайёрлайди ва буюртмачи билан ер участкасини ажратиш материалларини тайёрлаш юзасидан шартнома тузади.</p> <p>Ер участкасини ажратиш ҳақида электрон шаклда ҳужжатлар йиғмажилдини тайёрлайди ва уни “YERELEKTRON” ААТ орқали ер участкасининг чегаралари ва шаҳарсозлик ҳужжатлари бўйича келишиш учун Қурилиш бош бошқармасига юборади</p>	5 иш куни мобайнида Белгиланган муддатда
4-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари	<p>Ҳужжатлар йиғмажилдни кўриб чиқади, “Yerelektron” ААТ орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда материалларни келишади ёки келишишни рад этади.</p> <p>Ижобий келишилган ҳужжатлар йиғмажилдини “YERELEKTRON” ААТ орқали электрон шаклда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ва Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига юборади.</p>	3 иш куни мобайнида 1 иш куни мобайнида

5-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ер участкаси ажратиш ҳақидаги ҳужжатлар йиғмажилдини илова қилган ҳолда ваколатли ташкилотларга хулосалар олиш ва келишиш учун юборади.	1 иш куни мобайнида
6-босқич	Ваколатли ташкилотлар	Келишишни амалга оширади ва тегишли хулосани беради ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборади	3 иш куни мобайнида
7-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ер участкасини юридик шахсларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш ҳақида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “E-qaror” тизими орқали қарор қабул қилади. Ўз қарорини юридик шахслар, шунингдек, Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига юборади.	2 иш кун мобайнида 1 иш куни мобайнида
8-босқич	Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси	юридик шахсларнинг мурожаатига мувофиқ белгиланган тартибда ер участкасига кадастр паспортини расмийлаштиради. “Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими” орқали ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиши.	Белгиланган муддатда 2 иш куни мобайнида

III. Кўп квартирали уй-жойлар мулкдорлари фойдаланишида бўлган ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Фойдаланишдаги ер участкалари мулкдорлари	Ер участкасини ажратиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига буюртма беради.	Заруратга кўра
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Буюртмани тегишли ҳудудий қурилиш бош бошқармасига юборади.	1 иш куни мобайнида

3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Курилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар курулиш бош бошқармалари	Буюртма бўйича фойдаланишдаги ер участкасининг топографик харитасини тайёрлаш учун “YERELEKTRON” ААТ орқали “ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖга юборади.	1 иш куни мобайнида
4-босқич	“ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ	Буюртмачи билан шартнома тузилгандан кейин электрон шаклда фойдаланишдаги ер участкасининг 1:500 масштабдан 1:2000 масштабгача топографик харитасини тайёрлайди ва “YERELEKTRON” ААТ орқали материалларни курилиш бош бошқармасига юборади.	10 иш куни мобайнида
5-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Курилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар курулиш бош бошқармалари	Жойига чиққан ҳолда тайёрланган топографик харитада фойдаланишдаги ер участкасининг чегараларини аниқлайди ва далолатнома лойиҳасини тайёрлаган ҳолда муқддорлар ҳамда қўшни чегарадошлар билан келишади. Фойдаланишдаги ер участкасининг чегараларини келишиш материаллари “YERELEKTRON” ААТ орқали Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармасига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат шаклида юборилади.	5 иш куни мобайнида
6-босқич	Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари	Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри маълумотлари асосида фойдаланишдаги ер участкасининг бўш ёки бўш эмаслигини аниқлайди ҳамда ушбу ер участкаси бўш бўлган тақдирда, уни электрон рақамли имзо билан келишиб беради. Ер участкаси бўш бўлмаган тақдирда, курилиш бош бошқармасига бу тўғрисида маълумот юборади.	2 иш куни мобайнида
7-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Курилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар курулиш бош бошқармалари	Ер участкасининг топографик харитада белгиланган чегаралари (координатали нуқталари билан) ва далолатномани “YERELEKTRON” ААТ орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига юборади.	1 иш куни мобайнида

8-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ер участкасининг мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш ҳақида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “E-qaror” тизими орқали қарор қабул қилади. Ўз қарорларини мулкдорлар ҳамда Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига юборади.	2 иш куни мобайнида 1 иш куни мобайнида
9-босқич	Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаси	Мулкдорлар ёки кўп квартирали уй-жойлар бошқарувчиларнинг мурожаатига мувофиқ белгиланган тартибда ер участкасига кадастр паспортини расмийлаштиради. “Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими” орқали ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилади.	Қонунчиликда белгиланган муддатларда 2 иш куни мобайнида

”;

Маъмурий регламент куйидаги мазмундаги 2-илова билан тўлдирилсин:

“Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентига
2-ИЛОВА

Ер участкаси чегараларини аниқлаш ва келишиш ДАЛОЛАТНОМАСИ

20__ йил “__” _____ тумани (шаҳри)

Биз, _____
(қурилиш бош бошқармаси номи)

_____ (ижрочининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

ва фойдаланишдаги ер участкасининг мулкдори _____
(мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми)
_____ куйидагиларни аниқладик.

Фойдаланишдаги ер участкаси _____ жойлашган.
(жойлашган манзили)

Фойдаланишдаги ер участкасининг майдони _____ гектарни ташкил қилади.

Фойдаланишдаги ер участкаси _____ мақсадида фойдаланилмоқда, унинг курилиш остидаги ва ҳовли ерлари _____ га, бошқа ерлар _____ га.

Фойдаланишдаги ер участкасидан амалда _____ мақсадида фойдаланилмоқда.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг чекланиши _____
(хужжат номи, чеклаш мазмуни)

Фойдаланишдаги ер участкасида: _____
(хужжат номи, муҳофаза зонаси белгиланган объект тури, муҳофаза

зонанинг майдони, фойдаланиш шартли)

Фойдаланишдаги ер участкаси чегараларининг таърифи _____

Фойдаланишдаги ер участкаси чегаралари бўйича мулкдорнинг ва чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгаларининг _____
(эътирозлари йўқ / қуйидаги эътирозлари мавжуд)

Фойдаланишдаги ер участкасининг бошқа хусусиятлари:

Мазкур далолатномага унинг ажралмас қисми сифатида ер участкасининг _____ масштабдаги топографик харитаси илова қилинмоқда.

Курилиш бош бошқармаси _____
(ижрочининг лавозими, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Фойдаланишдаги ер участкасининг мулкдори _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

Чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгалари

1. _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

2. _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

3. _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми) ”.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 21 апрелдаги 206-сон қарорига 1-илованинг 4-банди ўн биринчи хатбошиси “батафсил режалаштириш лойиҳаларига” сўзларидан кейин “ҳамда мастер режаларига” сўзлари билан тўлдирилсин.

